O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch — bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 30-aprel, chorshanba | № 35 (7590)

**Da'vat**

***Odamni qobiliyati uchun emas, balki o'sha qobiliyatidan qanday foydalana bilgani uchun qadrlash kerak.***

**Fransua de LAROSHFUKA**

**Ibrat**

***Do'stlik tumanidagi «Yulduz» fermer xo'jaligi rahbari Yulduzxon Xolmatova tuman bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasiga bir million so'm homiylik yordami ko'rsatdi.***

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА МАКТАБЛАР КУНИ

Янгилик деган сўз ривожланган давлатларда кенг маънода қўлланилади. Оддий одам бўлсин ёки раҳбар, ташкилот ёки корхона бўлсин, янгиликлардан бехабар ўз қобиғида ўралашиб қолса, ўз фаолиятини янгилаб турмаса, унинг келажаги йўқлиги қонуният ҳисобланади. Бизда ҳам бу ҳол қонуниятга айланиб бормоқда. Буни биз одамлар дунёқарашининг, иш тутумининг ўзгараётганидан ҳис қилиб турибмиз.

Ўзбекистон раҳбари катта янгиликларнинг асоси таълим-тарбияда эканлигини таъкидлаб, ўзи бош бўлиб "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ишлаб чиқиши ва бу ҳужжатнинг қонун даражасида Олий Мажлис томонидан қабул қилиниши юқорида таъкидлаган фикримизга далил бўла олади.

Бугун кимда-ким таълимда ўзгариш бўлмаяпти деса, у таълимга иккинчи даражали иш деб қарайди ёки ўз устида ишламаётган бўлади.

"Мактаблар куни"нинг Навоий вилоятида жорий қилиниши муносабати билан у ерда бўлиб одамлар билан учрашганимизда, таълим муассасаларини кузатганимизда, бунга амин бўлдик.

«Мактаблар куни» ҳақида гапиришдан аввал бу борада Бухоро вилоятида жуда яхши натижаларга эришилганини, Самарқанд, Жиззах вилоятларида ҳам ўзига хос тажриба тўпланганлигини биламиз. Мазкур ишларнинг асосида мактабларга эътиборнинг кучайганлиги, уларнинг моддий базасини яхшилаш борасида вилоят ҳокимликлари ишлаб чиққан дастурлар бажарилишининг назорат қилиниши ва алалоқибат болаларимизга сифатли билим бериш борасида амалга оширилган ибратли ишлар турибди.

Мактабларга раҳбарлар, хусусан вилоят ҳокими томонидан эътиборнинг кучайиши оқибатида жуда кўп ишлаб чиқариш корхоналарининг, хўжалик раҳбарларининг айнан ана шу соҳага муносабати ўзгарганини ҳис қилмоқдамиз.

Дейлик, Навоий вилояти Хатирчи туманининг ёрдамга муҳтож мактаблари рўйхат қилиниб, қандай энг зарур ёрдам кераклиги аниқланибди. Унга кўмак бериш битта вилоят ташкилотига ва тумандаги муайян хўжалик зиммасига юкланибди. Хатирчидаги йиғилишда ана шу масала кўриб чиқилди. Йиғилишда тумандаги ҳар бир мактабнинг директорлари, хўжалик раҳбарлари, вилоят ташкилотларининг бошлиқлари иштирок этишди.

Мактабларнинг жуда кўпчилигига шахсан ўзи бориб кўрган вилоят ҳокими Б.Рўзиев ўз сўзида мактабларда йиғилиб қолган муаммоларни бирдан ечиш қийинлигини таъкидларкан:

— Майли бир ой бўлмасин, уч ой бўлмасин, лекин олти ой, бир йил ўтар, бу муаммоларни ечишимиз, бунинг учун эса ҳаракатларни ҳозирдан бошлашимиз керак, — деди.

Туман халқ таълими бўлими мудири О.Маматкаримов мавжуд мактабларнинг бугунги аҳволи ҳақида ҳисобот берди, муаммоларни очиқ гапирди, шу билан бирга амалга оширилган ишларни таъкидларкан, энг яхши ёрдам берган хўжаликларни айтиб ўтди. Вилоят ҳокими ҳам уларга раҳмат айтди. Кўтарилган масалалар ечимини ҳам бир йўла муҳокама қилиб борди. Масалан, мактабларнинг қирқ фоизига яқини суғорилмайдиган ҳудудларда жойлашгани учун мактабларга ер ажратиш кўрсаткичи паст эканлиги таъкидланди. Вилоят ҳокими ўн беш кун ичида ер берилмаган мактабларга ер ажратиш хусусида туман ҳокимига топшириқ берди. Шу билан бирга мактабларга ажратиладиган ер нафақат мактабнинг моддий базасини яхшилаш, ўқитувчи ва ўқув-

(Давоми 2-бетда)

# ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ



Суратда: Пойтахтимизда Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг XII йиллик йиғилишига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етиб қолди. Амир Темур кўчасида замонавий — 120 ўринли «Рэдисон Сас отель Тошкент» меҳмонхонаси барпо этилди.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

### ЙИЛНИНГ ВА ДУНЁНИНГ МУҲИМ ЙИҒИНИ

Юртимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) бошқарувчилар кенгашининг 12-йиллик йиғилиши ва унинг доирасидаги Бизнес анжуманнинг бўлиб ўтишига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ана шу тайёргарлик сабаб пойтахт кўчалари ва мавзеларида бир қатор ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Аслида юртимизда бирор-бир тадбирга тайёргарлик кўрила бошланса, шу баҳона янги-янги тадбирлар бошланиб кетади. Буларнинг бари охир-оқибатда юртнинг янада чирой очишига сабаб бўлади. Буни эса ўзбек халқининг азалдан мавжуд бўлиб келган бунёдкорлик ва меҳмон кутиш анъаналарига боғлаш мумкин.

Сўзимиз бошида таъкидлаганимиз — Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) анжумани бир неча кундан сўнг 4-5 май кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтади. Унда, дунё бизнес оламининг энг нуфузли вакиллари, кўплаб халқаро нуфузли ташкилотлар, йирик трансмиллий корпорация ва компаниялар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, тадбиркор-ишбилармонлар ва жамоат арбоблари иштирок этадилар.

Демак, ушбу Бизнес-анжуман фақат юртимиз миқёсида эмас, балки дунё миқёсида ҳам муҳим ва аҳамиятли йиғинлардан бири бўлиши муқаррар. Чунки ушбу йиғинда бир эмас, бир нечта мамлакат иқтисодиёти билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Анжуман Марказий Осиёда биринчи бор Ўзбекистонда бўлиб ўтаётганлиги унга алоҳида ўзига хослик бахш этади.

Чунки, бундай салоҳият ва нуфузга эга бўлган анжуманлар бирор мамлакатда тасодифий тарзда ўтказилмайди. Негаки, ЕТТБнинг йиллик анжуманлари ўтказиладиган мамлакатлар нафақат минтақа иқтисодиётида, балки, жаҳон иқтисодиётида ҳам ўзининг салмоқли ўрнига ва иқтисодий потенциалига эга бўлмоғи шарт. Марказий Осиё мамлакатлари ичида айнан Ўзбекистоннинг ЕТТБ анжуманининг йиллик йиғинини ўтказиш учун танланганлиги юқоридаги муҳим шартларнинг юртимизда бажарилган ва бажарилаётганидан далолат беради. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда анжуман ўзига хос ва ноёб ҳодиса дейишга ҳақлимиз.

### ЕТТБ ҚАНДАЙ ТАШКИЛОТ?

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки халқаро бизнес оламидаги энг йирик ва нуфузли молиявий ташкилот ҳисобланади.

ЕТТБ ўзининг 12 йиллик тарихига эга. У 1990 йил 29 майда Франциянинг собиқ президенти Франсуа Миттеран ташаббуси билан режали иқтисодиёт тизимидан бозор тизимига ўтаётган Марказий ва Шарқий Европа ҳамда собиқ Совет Иттифоқи мамлакатларидаги кичик ва ўрта бизнес ривожига амалий кўмак бериш, ушбу давлатлар иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнига ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган йирик молиявий институтдир.

ЕТТБ таъсисчилари 60 та мамлакат ва Европа Иттифоқи ҳамда Европа Инвестиция Банкларидир.

Банкнинг ташкил этилиши ва ўз олдига қўйган мақсади билан танишган киши, унинг эзгу мақсад йўлида бунёд этилганлигига иқрор бўлади. Соддароқ қилиб ифодалайдиган бўлсак, ЕТТБ иқтисодий жиҳатдан орқада қолган ёки иқтисоди издан чиққан ёхуд бирор-бир иқтисодий тизимдан бошқа бир иқтисодий тизимга ўтаётган, ривожланаётган мамлакатларни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишга кўмаклашиш учун тузилган ташкилотдир.

У ўзининг қисқа тарихига эга бўлса-да, дунё миқёсида асрларга тенг тарихи бўлган бошқа нуфузли ташкилотлардан асло қолишмайди. ЕТТБ 12 йил ичида дунё мамлакатлари орасида ўзининг мустаҳкам мавқеи ва овозига эга бўлиб улгурди. Бугун унинг маблағи 19,64 миллиард еврога тенг бўлиб, 2002 йил якунларига кўра банкнинг асосий фаолиятидан тушган даромад миқдори 661,1 миллион еврони ташкил этган. Бу рақамларни баъзи давлатларнинг миллий даромади билан таққослайдиган бўлсак, ЕТТБнинг йиллик даромади уларни орқада қолдиришига амин бўламиз.

Ушбу банкнинг фаолияти Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси сингари йирик халқаро молия институтлари билан узвий равишда мувофиқлаштириб борилади. Юқоридаги маълумотлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, ЕТТБ нақадар нуфузли ва йирик молиявий ташкилот эканини англаб оламиз.

### ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕТТБ

ЕТТБ билан Ўзбекистон ўртасида мустаҳкам алоқалар шаклланган. 1992 йилнинг 30 апрелида Ўзбекистон ушбу банкнинг тўлақонли аъзосига айланди. Ўзбекистон ҳам бошқа давлатлар каби банкнинг акциядори ҳисобланади ва ЕТТБнинг 42 миллион евро қийматидаги 4200 та акциясига эгалик қилади.

ЕТТБнинг мамлакатимиздаги расмий бошқарувчиси Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт вазири Рустам Азимов ҳисобланади. Мазкур молиявий ташкилотнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 1993 йилдан буён фаолият юритиб, уни 1999 йил апрель ойидан бошлаб ҳозирги вақтгача уни Кенджи Наказава бошқариб келмоқда. ЕТТБ Ўзбекистондаги дастлабки амалий ишини 1993 йилда амалга оширди. Ўшанда йирик лойиҳа молиялаштирилган эди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ЕТТБ фаолияти стратегиясида муҳим ўринни эгаллаган минтақа — Марказий Осиёда банкнинг кредитларини тақсимлаш бўйича йирик ҳамкорига айланди. Шу кунгача мамлакатимизда ЕТТБ иштирокида 1,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 20 та

(Давоми 2-бетда)

***Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг «УМИД НИҲОЛЛАРИ» спорт мусобақаларининг финал босқичи бошланишига 14 кун қолди.***

UMID NIHOLLARI

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ: МУАММОЛАР, ИЗЛАНИШЛАР, ЕЧИМЛАР** *2-бет*

**«ОНА ТИЛИ — БУ МИЛЛАТНИНГ РУҲИДИР»** *3-бет*

**ЎЗНИ ЎСТИРИШ ЗАМОНИ** ЁХУД МУСТАҚИЛЛИК ИНЪОМИ *4-бет*

**ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТЛАР — ИНСОН ЗИЙНАТИ** *5-бет*

**«ЎҚИБ, ШАҲАР ОЛИБ БЕРАРМИДИНГ?»** *8-бет*



### SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### TABRIK

**Farg'onada favqulodda vaziyatlarga qarshi harakat bo'yicha xalqaro «Farg'ona — 2003» mashqlarining boshlanishi munosabati bilan mashq qatnashchilariga O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov tabrik xati yo'lladi.**

### YANGI KOLLEJ

**Nurota pedagogika kasb-hunar kollejining 750 o'rinli zamonaviy binosi foydalanishga topshirilishi munosabati bilan ushbu ta'lim muassasasi talaba yoshlari ko'plab qulayliklar va talab darajasida bilim olish imkoniyatiga ega bo'ldilar.**

### E'TIROF

**Hindistonning Mutbay shahrida bo'lib o'tgan Britaniya hamdo'stligi mamlakatlarining xalqaro shahmat musobaqalarida hamyurtimiz Rustam Qosimjonov dunyoning 138 nafar eng kuchli shahmatchilari o'rtasida faxrli ikkinchi o'rinni egalladi.**

(Давоми 2-бетда)

# ПАРИЖДАН МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН

**Xushxabar**

*Яқиндагина Франциянинг Париж шаҳрида Александр Глазунов номидаги ёш скрипкачиларнинг учинчи халқаро танлови бўлиб ўтди. Мазкур танловда Франция, Германия, Россия, Швейцария, Сербия, Жанубий Корея, Литва ҳамда Ўзбекистон давлатларидан жами 60 нафар ижрочи иштирок этди.*

*Ҳамюртларимиз Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчиси Тоҳиржон Яхшибоев, Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчиси Грес Гафаров ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошидаги иқтидорли болалар академик лицейи ўқувчиси Дмитрий Исақовлар бу танловдан муваффақиятли қатнашиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритишди.*

*Иқтидорли ўқувчиларни ушбу нуфузли танловга Александр Султонов, Марк Зайко, Баҳром Қурбонов каби моҳир педагоглар тайёрлашди.*

***Гуларо АБДУЛЛАЕВА***

### O'qituvchi yon daftariga



### USTYURTDAGI YUGURIK HAYVON

**Ustyurt yurtimizda gepardlar yashovchi yagona hudud hisoblanadi. Ta'kidlash joizki, bu hayvon sut emizuvchi jonzotlar ichida tez yuguradigani hisoblanadi. Gepard soatiga 120 kilometr tezlikda yugura oladi.**

### AQL YOSHDA EMAS

**«Bo'ladigan bola boshidan ma'lum» deydi xalqimiz. Bunga misollar ko'p: Ibn Sino 4 yoshida Qur'onni to'la yod olgan bo'lsa, Motsart 5 yoshida musiqiy asar yozgan. Gyote 9 yoshida nemis, lotin va grek tillarida she'r yozgan bo'lsa, Paskal 15 yoshida birinchi ilmiy ishini himoya qilgan.**

### ENG ULKAN RADIOTELESKOP

**Koinotni kuzatish va uning sirlarini ochishda radioteleskoplar ahamiyati beqiyos. Ayni paytda dunyodagi eng ulkan radioteleskop 1963 yilda Puerto-Rikodagi so'ngan vulqon og'ziga qurilgan uskunadir. Bu yirik, qo'zg'almas radioteleskopning diametri 300 metrdir.**

**Jumladan, Respublikada iqtidorli o'quvchilarni o'qitishga ixtisoslashtirilgan ta'lim muassasalari soni oxirgi 3 yil davomida 43 taga kamaygan.**

**Ana shu maqsadda doimiy harakatdagi malaka oshirish kurslarida mashg'ulotlarni olib borish uchun viloyatdagi eng tajribali, ilmiy salohiyatga ega bo'lgan o'qituvchilarning tanlab olinganligi bejiz emas.**



## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

### QULAYLIK

Urganch shahrida «Umid nihollari — 2003» musobaqalari respublika bosqichini ommaviy axborot vositalari xodimlari tomonidan keng yoritilishini ta'minlash maqsadida faks, modem va kompyuter texnikalari bilan jihozlangan matbuot markazi ish boshladi.

### KO'RGAZMA

O'zbekiston Badiiy akademiyasining Markaziy ko'rgazmalar zalida O'zbekiston Badiiy akademiyasi, xalqaro Amir Temur jamg'armasi bilan hamkorlikda «Amir Temur va Temuriylar davri rassomlar ijodida» nomli ko'rgazmasi ochildi.

### MANBASHUNOSLIK

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universitetining tarix fakultetida o'tgan «Tarixiy manbashunoslik muammolari»ga bag'ishlangan ilmiy-amaliy anjumanda taniqli manbashunos olimlar bilan bir qatorda iqtidorli yosh aspirant va magistrlar ma'ruza qilishdi va har bir ma'ruza taniqli tarixchi olimlar tomonidan tahlil etildi.

### NOTIQLIK

Respublika yapon tili o'quvchilari uyushmasi tomonidan yapon tili notiqlik san'ati bo'yicha Markaziy Osiyo mamlakatlari talabalari o'rtasida o'tkazilgan, tanlovda O'zbekiston, Qozog'iston va Qirg'iziston yoshlari qatnashdi va ularni Yaponiyaning O'zbekistondagi Favqulodda va muxtor elchisi Akio Kavato qutladi, tanlovning 18 nafar ishtirokchisi iqtisodiy hamkorlik, shuningdek din, psixologiya va sotsiologiya masalalariga taalluqli o'z nutqlarini respublika til markazlari, Toshkentda faoliyat ko'rsatayotgan Yaponiya fuqarolar jamg'armasi va jamiyati ekspertlari hukmiga havola etdi.

*(O'zA materiallari asosida tayyorlandi)*

### XXI ASR FANI: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

*Andijon davlat universitetida viloyat hokimligining fan va texnika markazi hamkorligida XXI asrda ilm-fan taraqqiyotining global muammolarini hal etishda iqtidorli olimlarning vazifalari muhokama qilindi.*

*Anjuman qatnashchilari tarkibini viloyatdagi oliy o'quv yurtlarining iqtidorli talabalari va yosh olimlar tashkil etadi. Ular XXI asrda koinot tadqiqoti va taraqqiyoti, «Axborot texnologiyalari — ta'limda», «Rentgen tasvirlarini qog'ozga tushirishning yangi usuli», «Eksportga yo'naltirilgan va import o'rnini bosuvchi mahsulotlar ishlab chiqarish strategiyasi» kabi mavzularda ilmiy ma'ruzalar qilib, bu borada yosh olimlarning vazifalarini ko'rsatib o'tdilar.*

*Ma'ruza matnlarining elektron versiya shakli universitet yosh olimlari tomonidan birinchi bor yaratilganligi ham e'tirof etildi.*

* * *

*Andijon muhandislik iqtisodiyot instituti tomonidan tashkil etilgan ilmiy-amaliy anjumanda taniqli iqtisodchi olimlar, O'zbekiston buxgalterlar va auditorlar milliy assotsiatsiyasining viloyatdagi bo'limlari rahbarlari, iqtidorli talabalar ishtirok etdilar.*

*Milliy assotsiatsiya buxgalterlar va auditorlar malakasini oshirishga katta e'tibor bermoqda. Anjumanda malaka imtihonlarini muvaffaqiyatli topshirgan amaliyotchi buxgalterlar va talabalarga respublika Moliya vazirligi, Amerika Qo'shma Shtatlarining «Pragma» korporatsiyasi tomonidan tashkil etilgan kurslarning xalqaro darajali sertifikatlari topshirildi.*

**O.SIDDIQOV**

# ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

лойиҳа амалга оширилди. ЕТТБ ҳиссасига ушбу қийматнинг 723,8 миллион доллари тўғри келади. Ҳозирги кунда 320 миллион доллар қийматидаги яна 8 та лойиҳа бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Банкнинг Ўзбекистондаги фаолиятига бевосита тўхталадиган бўлсак, ЕТТБ асосий эътиборини мамлакат иқтисодиётидаги хусусий секторни ривожлантириш ва кўпайтириш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига кредитлар ажратиш, шунингдек, бозор инфратузилмаларини тараққий эттириш сингари вазифаларга қаратади.

Демак, республикамиз ЕТТБ билан Марказий Осиёдаги етакчи ҳамкор сифатида иш олиб боради. Мана шу ҳамкорлик туфайли юртимизда бир қанча бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилиб, турли қўшма корхоналар ишга туширилди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг турли хусусий секторлари бевосита ЕТТБнинг қўллаб-қувватлаши билан ўз фаолиятини юритаётган бўлсалар, яна бир қисм тадбиркорлар ушбу банкнинг бизнес лойиҳаларига ажратган кредитлари асосида ўз ишини бошлаб, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ривожига ўз ҳиссасини қўшишмоқда.

### БЕВОСИТА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

ЕТТБ бошқарувчиларининг йиллик йиғилиши тадбирлари дастури Ўзбекистон Республикасининг инвестицион форумини ўтказиш билан бошланади. Унда мамлакатнинг инвестицион салоҳияти ҳамда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболига бағишланган катта тақдимот маросими ўтказилади. Мазкур инвестицион форум иқтисодий ҳамкорликка ва энг аввало хорижий инвестицияларни жалб қилишга тааллуқли масалаларни очиқ муҳокама қилиш имконини беради.

Бизнес-анжуман давомида хусусийлаштириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, банк-молия секторини ислоҳ қилиш ва тараққий эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. 2002 йилда мамлакат иқтисодиётига киритилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 650 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳоннинг 120 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо иқтисодий муносабатларини ривожлантириб бормоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда жаҳоннинг 90 мамлакатидан хорижий инвестициялар иштирокидаги 3 мингдан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 20 фоиздан ортиғи 100 фоиз хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар бўлиб, 80 фоизи ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритмоқда. Бундан ташқари умумий қиймати 4,3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 87 та инвестицион лойиҳани ўз ичига олувчи давлат инвестицион дастури амалга оширилмоқда. Улардан 30 фоизи бевосита хорижий инвестициялар ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб юртимизнинг барча минтақаларида 152 та янги қўшма корхона ташкил этилган бўлиб, 2005 йилгача бўлган даврда хорижий инвесторларга яна 140 дан ортиқ янги қўшма ишлаб чиқаришларда иштирок этиш имкони таклиф этилмоқда. Европа банки томонидан пойтахтимизда 60 та хорижий мамлакатларнинг расмий делегацияси, халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молия институтлари раҳбарлари, шунингдек, етакчи хорижий тижорат банклари ва инвестицион фирмалар, йирик ишлаб чиқариш концернлари ва компанияларининг раҳбарлари иштирокида муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро тадбирнинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг ишбилармонлар доиралари вакилларига янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳамкорлар излаш борасида беқиёс имкониятлар яратади.

Юртимизда бошланган бир яхши тадбир яна бошқа эзгу тадбирларга йўл очади. Ўзбекистоннинг иқтисодий инвестицион ва экспорт салоҳияти билан бевосита танишиш мақсадида 2 майдан бошлаб йиғилиш доирасида иқтисодиётнинг илғор соҳалари — қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес соҳаларига тааллуқли экспозициялар кўргазмаси бўлиб ўтади. Булардан ташқари инвестицион иқлим, регионал савдо ва глобаллашув, умумли бизнес юритиш, кичик ва ўрта бизнесни ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш, сув захираларидан фойдаланиш ва ҳимоя қилиш масалалари юзасидан 6 та семинар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

### ХУЛОСА

Мазкур йиллик йиғилишни ўтказиш учун Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрининг танланиши ушбу банкнинг Шарқ мамлакатларида самарадор фаолиятни амалга ошираётганидан ёрқин далолат беради. Бундан ташқари, ушбу банкнинг Марказий Осиё мамлакатларининг улкан инвестицион салоҳиятига халқаро жамоатчилик эътиборини банклар ва молия институтлари диққатини жалб этиш тарафдори эканлиги ҳам айни ҳақиқатдир. Бу нарса ЕТТБ томонидан Швейцариянинг иқтисодий алоқалар давлат котибияти, Ўзбекистоннинг тижорат банклари ва суғурта компаниялари билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасидаги энг яхши лойиҳа учун танлов эълон қилганлигида ҳам кўринади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Тошкентда ўтказиладиган ЕТТБ бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик йиғилиши ҳудудда савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш, 60 дан ортиқ мамлакатнинг ишбилармон доиралари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш, банклараро ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистон иқтисодиётига янги инвестицияларни жалб этиш имконини беради.

***Абдулҳамид АБДУЛАҲАД ўғли,***
***«Ma'rifat» мухбири***

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА МАКТАБЛАР КУНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

чиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга, балки болаларни меҳнатга, деҳқончиликка ўргатувчи жой бўлиши лозимлиги хусусида фикр билдирди.

— Ўша мактаб участкаси ҳосилдорлик бўйича ширкат хўжалигида энг яхши кўрсаткичга эга бўлиши керак, - деди ҳоким. — Нима учун? Чунки бу мактабнинг биология ўқитувчиси бор. У ҳам олимдай киши, мутахассис. Умуман, ҳар бир мактаб ўз шароитидан келиб чиқиб махсус дастур ишлаб чиқиш керак.

Вилоят ҳокими ҳар бир мактабга алоҳида-алоҳида тўхталди. Мактаб директорларининг ҳар бири бу жараёнга қатнашиб миннатдорчиликларини билдиришди. Алалоқибат жами ўттиз иккита мактабга етмиш млн. сўм атрофида ҳомийлик ёрдами кўрсатиладиган бўлди. Албатта ҳар бир ташкилотнинг ёрдам бера олиш имкониятлари инобатга олинди. Бу тадбир узоғи билан бир ойда бажариладиган бўлди. Бу ишнинг натижалари эса газетамизнинг доимий эътиборида бўлади. Негаки, бу тажриба бошқа вилоятларда ҳам татбиқ қилинса, нур устига аъло нур бўлур эди. Оталиқ ташкилотларининг аксарияти мактабларга бориб муаммони ўрганиб, йиғилишга келган экан ва улар бу юмушлар тез кунда бажариш мумкинлигини таъкидлашди. Кўриниб турибдики, натижаси ёмон бўлмайди. Вилоят ҳокими мактабларнинг дарслик билан таъминлаш масаласини ҳам бирма-бир мактаб раҳбарларидан сўради. Аҳвол ёмон бўлган мактаб директорларидан тегишли чора-тадбирлар кўришларини талаб қилди. Инглиз тили ўқитувчиларининг етишмаслиги у ва бу масаланинг ечимини йиғилганлар билан бирга муҳокама қилди. Мактабларда махсус синфлар ташкил қилишдан бошлаб, репетиторлар орқали болалар тайёрланиб, олий ўқув юртларининг инглиз тили ўқитувчиси мутахассисларини тайёрлайдиган факультетларга кириб ўқишлари учун болаларни тайёрлашгача бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги уқтирилди.

Ушбу тадбирда Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидинов иштирок этиб, вилоят ҳокимлигининг бу ташаббуси Юртбошимиз орзусидаги авлодни вояга етказиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар сирасига киришини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга йиғилишда қатнашаётган мактаб директорларига мурожаат қиларкан, жумладан шундай деди:

— Вилоят раҳбарлари мактабларни бориб кўриб, ёрдам беришяпти, бунинг учун уларга раҳмат. Лекин мактаб директорининг ўз вазифаларига кирадиган ишларни бажармаслиги кечирилмас айб ҳисобланади. Шундай мактаб раҳбарлари борки, илм даргоҳида ўз ташаббуси билан жуда кўп ибратли ишларни амалга оширган, мактабга кирсангиз ҳавасингиз келади. Ёнидаги мактабда эса аҳвол тескари. У мактаб директорида на ташаббус бор ва на ўз устида ишлайди. Ёки бўлмаса дарсликлар билан таъминотни олайлик. Бу борада ҳам ташкилотчи мактаб раҳбарларининг аксарият ўқувчилари дарсликлар билан таъминланган. Шу боис мактаб раҳбарига ҳам кўп нарса боғлиқ ҳамда биз ҳар бир раҳбарнинг иши.

Йиғилишдан кўпчилик яхши кайфиятда тарқалди. Негаки, мактабга бориб хабар оладиганларнинг сони кўпайди. Неча йиллар таъмирланмаган мактаблар таъмирланади, айрим мактабларга қўшимча хоналар қурилади, парталар, спорт жиҳозлари олиб берилади ва яна бу савобли ишга қўшилувчилар кўпаяди. Ахир хайрли ишдан қолмай деганлар қанча бизнинг юртимизда. Юқорида айтилганидек, бу мавзуга яна қайтамиз.

**Ҳ. ОМОНОВ**

*Hay'at majlisida*

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ: МУАММОЛАР, ИЗЛАНИШЛАР, ЕЧИМЛАР

Халқ таълими вазирлигида навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосидаги умумий ўрта таълимнинг аҳволи ва уни ривожлантириш чора-тадбирларига оид масала кўриб чиқилди. Унда мазкур давлат ҳужжатларида қўйилган талаблар асосида ўтган вақт мобайнида юртимизда умумий ўрта таълимнинг ташкилий педагогик асослари маълум даражада шаклланганлиги, унинг барча йўналишларини тўғри ташкил этишга оид 50 дан зиёд низом ва йўриқномалар, 1-9-синфлар учун ўқув дастурлари, режалари, дарслик ва қўлланмалар ишлаб чиқилиб, амалиётта киритилганлиги таъкидланди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган билим олиш юзасидан фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқларини 9799 та умумий таълим мактаблари рўёбга чиқариб келмоқда. Уларнинг 9703 таси Халқ таълими вазирлиги тизимида бўлиб, бу таълим муассасаларида 6,3 млн.га яқин ўқувчиларга таълим-тарбия берилади. Мазкур мактабларнинг бошланғич синфларида (1-4-синф) 2,5 млн.дан, 5-9-синфларида эса 3,1 млн.дан ошиқ ўқувчи таълим олаётир. 10-11-синф ўқувчилари сони йилдан-йилга қисқариб бормоқда ва жорий йилда 634 минг нафарни ташкил этмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ истеъдодли ва иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга аҳамият бериб келинмоқда. Шу мақсадни амалга ошириш учун 2002-2003 ўқув йилида иқтидорли ўқувчиларни ўқитишга ихтисослаштирилган 340 та мактаб ва мактаб-интернатлар фаолият кўрсатиб, уларда 136 минг-дан ортиқ ўқувчилар фан асосларини чуқур ўзлаштираётир. Бундан ташқари, 2444 та мактабда баъзи фанлар чуқурлаштирилиб ўқитилмоқда. Улардаги ўқувчилар сони 755 мингдан ошади. Улар жумласига умумий ўрта таълим муассасаларида банклар ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган 39 та банк, Давлат солиқ идоралари билан ҳамкорликда ташкил этилган битта солиқ синфи ҳам киради.

Кейинги 5 йил давомида мазкур таълим муассасаларининг 60 нафарга яқин ўқувчилари АҚШ, Россия, Германия, Жанубий Корея, Индонезия, Туркия ва бошқа хорижий давлатларда математика, кимё, биология, экология, информатика, рус тили ва бошқа фанлардан ўтказилган халқаро фан олимпиадаларида 10 та олтин, 11 та кумуш, 34 та бронза медалларини қўлга киритдилар. Мазкур таълим муассасаларининг 2000-2001 ўқув йилидаги 15486 нафар битирувчисидан 65.4 фоизи, 2001-2002 ўқув йилида 4525 нафар битирувчидан 67.4 фоизи олий ўқув юртларига қабул қилинган.

Республика ҳукуматининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарори асосида таълим сифатини кўтаришга хизмат қиладиган Республика вилоятлари ва барча туман, шаҳарларида ташхис марказлари ташкил этилди. Бугунги кунда уларда 198 нафар психолог, 167 нафар дефектолог, 210 нафар касбга йўналтирувчи, 211 нафар тиббий ходим ишлаб турибди.

Вазирликнинг 2002 йил 8 июлдаги «Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 109-сонли буйруғига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармалари таркибида «Таълим (методика) марказлари» ташкил этилди. Турли фан йўналишларида 212 та таянч мактаблари, 400 дан ортиқ илғор тажриба мактабларининг фаолияти йўлга қўйилди. Методик хизмат кўрсатишни яхшилаш йўналишида, алоҳида дастур ва 9 та низом ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 августдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 338-қарорига мувофиқ, 9 йиллик таълимга тўлиқ ўтиш 2009 йилдан амалга оширилади. Бинобарин, шу йилгача 9-синф битирувчиларининг бир қисми 10-11-синфларда ўқишларини давом эттирадилар. Шуни ҳисобга олган ҳолда 2003-2004 ўқув йилига 10-11-синфлар учун мўлжалланган ўқув режаси лойиҳаси ишланиб, Республика Таълим маркази илмий методик кенгашларида, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказида муҳокама этилиб, маъқулланди.

Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар таълимини йўлга қўйиш ҳам доимий эътибордадир. Республикада ақлий заиф болалар учун мўлжалланган 2 та «Меҳрибонлик уйи»да 334 нафар, 84 та махсус мактаб ва мактаб-интернатларда 20 мингдан ортиқ болага уларнинг коррекцион хусусиятларига мослаштирилган тарзда умумтаълим ўқув дастурлари асосида билим, шунингдек, ақлий заиф болаларнинг 52 та мактаб ва мактаб-интернатларида 13250 нафар болага умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ҳажмида, Санатория типидаги 23 та мактаб-интернатда суяк касали (сколиоз), сил касаллигига мойил 3886 нафар ўқувчига умумтаълим дастурлари асосида умумий ўрта маълумот бериш йўлга қўйилган.

Республикада умумий ўрта таълимни ривожлантириш бўйича халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш йўналишида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Бугунги кунда ЮНИСЕФ, АКСЕЛС, СОРОС жамғармасининг Очиқ жамият институти, Осиё ривожланиш банки, «USAID», «IREX», «Мерси проджект» каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Шунингдек, Франция, Англия, Германия элчихоналари билан ҳам яқин алоқалар ўрнатилган. Айниқса, Япония элчихонасининг Республика мактаблари моддий базасини мустаҳкамлашга кўрсатаётган беғараз ёрдамларини эътироф этиш жоиз.

Ёш авлодга пухта билим беришда ўқитувчининг масъулияти катта. Зеро, уларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ишларини яхшилаш долзарб масаладир. Мавжуд 15 та педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида кейинги 5 йил ичида 400 минг-га яқин ўқитувчи малака оширди. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ҳамда лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосининг жорий этилиши, янги ўқув фанлари ва курсларининг ўқув режасига киритилиши муносабати билан барча ўқитувчиларни мақсадли қайта тайёрлаш курсларидан босқичма-босқич ўтказиш йўлга қўйилаяпти.

Бугунги кунда умумий таълим мактабларида 450 мингга яқин ўқитувчи ишлаб турибди. Уларнинг қарийб 313 минги (70%) олий маълумотли ўқитувчилардир. Кейинги 3 йил ичида Республикада олий маълумотли ўқитувчилар сони 7 минг кишига кўпайди. Айни пайтда ўрта-махсус маълумотли ўқитувчилар сони 3,8 мингга қисқарди, 6 мингга яқин ўқитувчи олий маълумотли мутахассислар билан алмаштирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 28 майдаги 279-сонли қарорига асосан, кейинги 2 йил ичида 3 мингга яқин ўрта-махсус маълумотли ўқитувчи олий ўқув юртларига сиртдан ўқишга кирдилар.

Таълим муассасалари моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Кейинги 3 йил ичида Республикада 62 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 188 та умумий таълим мактаблари қурилди. Бундан ташқари, 12 мингдан ошиқ ўқувчи ўрнига эга бўлган 16 та мактаб ҳашар йўли билан бунёд этилиб, ишга туширилди.

Юқорида баён этилганларга қарамай, вазирлик бошқарма ва бўлимлари, Республика ташкилотлари, ҳудудий халқ таълими бошқармалари, уларга қарашли бўлимлар, таълим муассасалари фаолиятида қатор камчиликлар мавжудлиги ҳайъат мажлисида таъкидланди. Жумладан, Республикада иқтидорли ўқувчиларни ўқитишга ихтисослаштирилган таълим муассасалари сони охирги 3 йил давомида 43 тага камайган. Хусусан, улар сони 2000-2001 ўқув йилида 383 тани, 2001-2002 ўқув йилида 374 тани, 2002-2003 ўқув йилида эса 340 тани ташкил этган. Ваҳоланки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи вазифаларида ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтишнинг тўлиқ амалга оширилиши белгилаб қўйилгани айтиб ўтилди. Турли фанларни чуқурлаштириб ўқитиладиган мактаблар сони ҳам йилдан-йилга камайиб бормоқда. 2000-2001 ўқув йилида бундай муассасалар 3560 та бўлгани ҳолда, 2002-2003 ўқув йилида 2444 тага тушиб қолди, яъни улар охирги 3 йил давомида 1116 тага камайган.

Битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириши бўйича ҳам натижалар юқори эмас. 2002 йилда бу турдаги муассасаларни 4525 нафар ўқувчи битирган бўлса, улардан 3052 (67%) нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирган. Қорақалпоғистон Республикаси битирувчиларидан 31,1, Жиззах вилоятидан 22,1 фоиз битирувчи олий ўқув юртларига қабул қилинган, холос.

Ихтисослаштирилган мактабларда махсус дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, кўргазмали қуроллар етишмайди. Уларни махсус ўқув дастурлари билан таъминлаш ҳам талаб даражасида эмас.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизимини йўлга қўйишда ҳам бир қатор камчилик ва муаммолар учраяпти. Жойларда мазкур тизимда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражаси бугунги кун талабига жавоб бермайди. Жумладан, мактабларда фаолият кўрсатаётган 8472 нафар амалиётчи психологларнинг 26 фоизигина олий маълумотли мутахассислардир. Ташхис марказларида ишлаётган дефектологлар, врачлар, касбга йўналтирувчи педагоглар тўғрисида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин. Тизимда кадрлар қўнимсизлиги 2000 йилда умумий ишловчилар сонига нисбатан 31 фоиз, 2001 йилда 21 фоиз, 2002 йилда эса 24 фоизни ташкил этди. Ачинарлиси шуки, улар ташхис йўналишида ишлаш бўйича 3 ёки 6 ойлик қайта тайёрлов курсларидан ўтказилганларидан кейин кетиб қолмоқдалар.

Жойларда касб-ҳунар таълими, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари билан ташхис марказлари фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган идоранинг йўқлиги боис улар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари яхши шаклланмаган. Таъкидлаш жоизки, Қашқадарё вилоятининг 13 та, Навоий вилоятининг 8 та, Тошкент вилоятининг 13 та туман, шаҳарлари, Тошкент шаҳрининг 11 та тумани халқ таълими бўлимлари томонидан мактаб тиббий хоналарига кейинги уч йил ичида дори-дармонлар учун мутлақо маблағ ажратилмаган.

Олиб борилаётган мониторинг натижалари таълим муассасаларига методик хизмат кўрсатиш йўналишида ҳам бир қатор камчилик ва нуқсонлар борлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятининг айрим туманларидаги мактабларда суҳбатга жалб қилинган 80 га яқин ўқитувчи, ҳатто мактаб директорлари ҳам вазирликнинг 2002 йил июнь ойида «Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилингани, унда 2002-2003 ўқув йили «Халқ таълими тизими муассасаларига методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ўқув йили» деб эълон қилинганини билмайдилар. Зеро, бу мактабларга вазирликнинг юқоридаги 109-сонли буйруғи, тадбирлари, 8 йўналишдаги низомлар етиб келмаган.

Жойлардаги Методика(Таълим) марказларининг педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари билан методик хизматни ташкил этиш ва уни мувофиқлаштириш бўйича ўзаро ҳамкорлиги талаб даражасида эмас. Мазкур институтлар билан ҳамкорликда марказлар томонидан методик хизматни такомиллаштиришнинг ягона тизими ишлаб чиқилмаган.

Республикадаги 33 та бошланғич, 1299 та 9 йиллик, 4825 та 11 йиллик мактабларда дарслар икки сменада, 3 та бошланғич мактабда (Сурхондарё вилоятида), 51 та умумий ўрта таълим мактабларида (Қорақалпоғистон Республикасида 15 та, Тошкент вилоятида 13 та, Фарғона вилоятида 1 та, Қашқадарё вилоятида 17 та, Сурхондарё вилоятида 5 та) таълим 3 сменада олиб борилади. Бу ҳолат умумий таълим мактабларида қўшимча дарслар ташкил этиш, тўгарак ишлари олиб боришни амалда йўққа чиқармоқда.

Умумий ўрта таълимни ривожлантиришга салбий таъсир этаётган омилларнинг яна бири сифатида малака ошириш тизимидаги муаммолар айтилди. Хусусан, Сурхондарё, Навоий, Андижон, Фарғона, Жиззах, Хоразм, Сирдарё вилоятлари педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг моддий базаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, ётоқхона йўқлиги туфайли тингловчилар олис масофадан келиб, қатнаб ўқишга мажбур бўлаётгани таъкидланди.

Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидинов раислик қилган мазкур ҳайъат мажлисида юқорида баён этилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида бир қатор тадбир ва меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

***Жаҳонгир МУСАЕВ,***
***Халқ таълими вазирлиги матбуот маркази раҳбари***

# СИФАТ БОСҚИЧИ ОМИЛЛАРИ

*Наманган вилояти ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги илм масканларида таълим самарадорлигини ошириш, уни сифат жиҳатидан яхшилаш борасида ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар билан олиб бориладиган ўқув-услубий ишларга катта аҳамият берилмоқда. Доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларининг ранг-баранг усулларда ташкил этилиши унинг сермазмун ўтишида муҳим омил бўлмоқда. Айни кунда вилоятда 17 та йўналишдаги умумтаълим ва махсус фанлар бўйича ана шундай малака ошириш курслари ташкил этилиб, унга 1140 нафар ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар жалб қилинган.*

*Маълумки, ДҲМО курсларининг қизиқарли, мазмунли ўтиши ҳамда кўпроқ самарани бериши курс машғулотларини олиб борувчиларнинг ташкилотчилигига, тажрибасига, ижодкорлигига ва илмий-услубий тайёргарлигига боғлиқ. Ана шу мақсадда доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларида машғулотларни олиб бориш учун вилоятдаги энг тажрибали, илмий салоҳиятга эга бўлган ўқитувчиларнинг танлаб олинганлиги бежиз эмас.*

**Malaka oshirish**

*Бу жараёнда бошқарманинг Наманган Давлат университети, муҳандислик педагогика ва муҳандислик иқтисодиёт институтларининг олимлари билан ҳамкорлиги ўзининг ижодий натижасини бермоқда.*

*ДҲМО курсларининг яна бир муҳим жиҳати, унинг фақат битта таълим муассасида эмас, балки семинар тарзида вилоятдаги барча ўқув масканларида навбатма-навбат кўчма ҳолда ўтказилишидир. Бунинг натижасида шу кунгача курс тингловчилари 10000 соатдан кўпроқ намунали дарсларда иштирок этиб, ўзаро мулоқотларда бўлдилар.*

*Яна бир ижобий томони, тингловчилар билан ҳамкорликда барча фанлардан 2003-2004 ўқув йили учун методик жиҳатдан янада такомиллашган ўқув режалари тузилиб, кўплаб маъруза матнларининг тайёрланишидир.*

*Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташаббуси билан ташкил этилган мана шундай ДҲМО курсларидаги ўзаро педагогик ҳамкорлик Миллий дастурнинг II босқичида белгиланган таълим мазмунига сифат киритишда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.*

**Кўпайсин ХЎЖАМБЕРДИЕВ**

## O'zbek tili ta'limida milliy istiqlol g'oyasi

# ГУЛЛАР ШАҲРИДА ЎЗБЕК ТИЛИГА ЭҲТИРОМ

Юртда Наврўз шодиёналари давом этаётган, кўкламойим эл узра гўзаллик, покланиш, янгиланиш, дов-дарахтларга, гулу гулзорларга яшиллик тўнини кийдираётган пайтда тилимиз фидойилари анъанавий байрамларига йиғиладилар. Бу йилги анъанавий анжуман гўзал ва анвойи гуллар макони Наманган шаҳрида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунини амалга жорий этиш омили сифатида «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методик анжумани бир неча йиллардан бери ўтказилмоқда. Ўтган давр мобайнида анжуман йиғинлари «Ўзбек тилини ўрганиш ва ўргатишни қайта қуриш ҳамда такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» (Самарқанд, 1991 й.), «Она тили таълими мазмунини янгилашнинг асосий йўналишлари» (Қарши, 1993 й.), «Таълим жараёнида сўз бойлигини оширишнинг асосий омиллари» (Жиззах, 1995 й.), «Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари» (Тошкент, 1997 й.), «Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари» (Бухоро, 1999 й.), «Таълим жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш масалалари» (Фарғона, 2001 й.) каби мавзулар муҳокамасига бағишланди.

Кўринадики, анжуманнинг ҳар бир йиғини муҳокамасига олиб чиқилган масала ўзбек тили таълимининг энг долзарб масалаларига қаратилган. Анжуман мактабгача таълим муассасаларидан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган узлуксиз таълим тизимида ўзбек тилини ўргатиш ва ўқитиш мазмунини белгилайди. Анжуман бу жараённи мувофиқлаштириб турувчи марказ сифатида таълимнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиб, кенг муҳокама қилиш ҳамда илмий-тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш ишларини амалга оширмоқда.

Анжуманнинг амалий аҳамияти шундан иборат бўлмоқдаки, ушбу соҳа мутахассислари ва амалиётчиларнинг бевосита мулоқотда бўлиб, ўзаро фикр алмашувига, тажриба ўрганишларига, шунингдек, тил таълимига оид янгиликлардан хабардор бўлишларига имкон яратмоқда. Бундай жараён ўз-ўзидан жойларда таълим самарадорлигини оширишга ижобий таъсирини кўрсатиб, маълум даражада методик хизматнинг узлуксизлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбек тили таълимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни сарҳисоб қилиш, давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилишини таҳлил этиш, илғор тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш, юзага келган муаммоларнинг ечимини топиш, таълим мазмунига миллий истиқлол ғояларини сингдириш каби масалаларни муҳокама қилиш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш мақсадида мазкур анжуманнинг «Ўзбек тили таълимида миллий истиқлол ғояси» мавзусига бағишланган навбатдаги VII йиғини жорий йилнинг 1-2 май кунлари Наманганда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузурида ўтказилади. (Анжуман 1 май соат 10.00 да вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида ўз ишини бошлайди).

Анъанавий анжуманда мактабгача таълим муассасаларининг мутахассислари, амалиётчи ўқитувчилар, тилшунос олимлар, методистлар, ДТС, дастур ва дарслик муаллифлари, аспирантлар, магистрантлар иштирок этадилар.

Иштирокчилар «Мактабгача таълим» (Наманган туманидаги 21-болалар боғчаси), «Бошланғич таълимда она тили», (Норин тумани 43-мактаб), «Умумий ўрта таълимда она тили» (Уйчи тумани 7-мактаб, Янгиқўрғон тумани 10-мактаб, Чортоқ ва Давлатобод туманларида), «Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда давлат тили» (Наманган шаҳри 34-мактаб), «Махсус таълим бўғинларида она тили» (Тўрақўрғон тумани 48-махсус мактаб-интернат), «Олий таълимда ўзбек тили» ВПХМОИ, «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўзбек тили» (НамДУ қошидаги академик лицей) каби шўъбаларда иш олиб боради. Анжуман мавзуси бўйича тезислар тўплами ва дастур нашрдан чиқди.

Анжуман мавзуси бўйича ўзбек тили доимий анжумани ташкилий қўмитасига 400 дан зиёд маъруза тезислари келиб тушди. Улардан 240 таси дастурга, 120 таси эса тезислар тўпламига киритилди.

Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси ҳузурида ташкил этилган ташкилий қўмита ҳам фаоллик билан тайёргарлик ишларини олиб борди. Хусусан, шўъбалар йиғини ўтказиладиган таълим масканларида барча шароитлар яратилган. Республика ташкилий қўмитаси аъзолари шўъба котиблари билан семинар-тренинг курсини ўтказдилар.

Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар қалби ва онгига сингдириш, таълим-тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилади. Шулардан энг асосийси у ёки бу фанни ўрганиш замирида ушбу ғояларни ботиний тарзда сингдириб боришдан иборат.

Она тили — миллий маънавият ва қадриятларнинг улкан хазинаси, миллат тафаккурини шакллантирувчи, ривожлантирувчи энг асосий восита эканлиги давлат таълим стандартида дастур ва дарсликларнинг концептуал асоси қилиб белгиланган. Шундай экан, анжуманда миллий истиқлол ғояларини сингдиришнинг мақбул йўллари ҳақида фикр-мулоҳаза юритилиб, илғор тажрибалар асосида аниқ тавсиялар ишлаб чиқилади, келгусидаги режалар белгилаб олинади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичи таълим мазмунига илғор педагогик технологияларни кенг қамровда олиб кириш вазифасини қўйганки, бу вазифа анжуман шўъба йиғилишларининг интерфаол усулларда ўтказилишини тақозо этмоқда ва шу маънода, йиғилишлари семинар-тренинг тарзида ташкил этилади.

**М.АБДУРАИМОВА,**
**РТМ бўлим бошлиғи,**
**Қ.СУЛТОНОВА,**
**РТМ бош методисти**

*Anjuman oldidan*

# ҚАШҚАДАРЁЛИК МУАЛЛИМЛАР ТАЙЁРГАРЛИГИ ХУСУСИДА

«Ўзбек тили» доимий илмий-методик анжумани ўз фаолияти давомида «Давлат тили ҳақида»ги қонунни амалиётга жорий этиш, таълим тизимларида ўзбек тилини ўқитиш мазмунини янгилаш, таълим усулини такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳамкасбларимизга маълумки тил анжумани ўтган давр мобайнида ўзининг олти йиғилишини ўтказди ва унинг ҳар бир йиғини ўзбек тили таълимининг долзарб муаммолари муҳокамасига бағишланди.

«Таълим тўғрисида»ги, ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида қабул қилинган давлат таълим стандартлари, у асосида яратилган янги дастур ва дарсликлар мазмуни ҳам моҳиятан ана шу талабларга бўйсундирилади ва қуйидаги концептуал асосларга таянади.

1. Она тили — миллий маънавият ва мафкура, миллий руҳ, маданият ва қадриятларнинг улкан хазинаси.

2. Она тили — миллий тафаккурни шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва ифодаловчи асосий восита.

3. Таълимда ўзбек тили илдизлари, тарихи ва услублари билан таништирувчи маънавий-тарбиявий матнларнинг ўрни.

4. Она тилининг маънавий-маърифий йўналишда бошқа ўқув фанлари билан алоқадорлиги ва тутган ўрни.

5. Ўқувчиларни таълим жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида шакллантиришга қаратилган янгича йўналиш ва технологиялар.

Бу концептуал асослар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»даги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда стратегик мақсадларимиз — фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асоси бўлмоғи ва унинг бош мақсади — маънавий баркамол инсон тарбиясига хизмат қилиши керак.

Таъкидлаш жоизки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илмий асосланган таълимнинг миллий моделли тил таълимида узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари асосида миллий истиқлол ғояси таянч нуқта сифатида амал қилишини ҳам белгилайди. Шунинг учун ҳам «Ўзбек тили» доимий анжумани VII йиғини учун ушбу мавзу танланди.

Республика ташкилий қўмитаси ва Наманган вилояти халқ таълими бошқармасида доимий анжуманнинг «Ўзбек тили таълимида миллий истиқлол ғояси» мавзусидаги VII йиғинини юқори савияда ўтказиш бўйича самарали ишлар олиб борилди. Биз қашқадарёлик ҳамкасбларимизнинг анъанавий тил анжуманига тайёргарлигига қизиқдик.

Наманган шаҳрида ўтказиладиган анжуманда фаол иштирок этиш учун вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тил ва адабиёт таълими кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Э.Шодмонов раҳбарлигида ижодий гуруҳ тузилган.

Гуруҳ томонидан анжуман низоми талаблари асосида сараланган маърузалар «Ўзбек тили» доимий анжумани ташкилий қўмитасига юборилган эди. Сараланган маърузалар яна бир карра назардан ўтказилиб, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги методик хизматни мувофиқлаштириш кенгашининг қарори билан «Тил таълимида миллий истиқлол ғояси» номли рисола чоп этилди.

Рисолага «Ўзбек тили» доимий анжумани VII йиғинида ўқиладиган маъруза тезиси киритилган. Хусусан, «Миллий ўзликни англашда имлонинг роли», «Миллий истиқлол ва миллий дарслик», «Олий ўқув юртларида тил таълимини миллийлаштириш — давр талаби», «Истиқлол ва русийзабон гуруҳларда миллий муомала одоби» (этикет), калималарни ўрганиш», «Гапда уюшиқ бўлаклар, унда оҳанг ва тиниш белгилар»ни ўрганишда ўқувчиларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш имкониятлари, «Она тили таълимининг миллий концептуал асослари ва ижодий матн» каби маъруза матнлари киритилган.



Изласанг имкон топасан деганларидек, узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш йилида педагоглар кутубхонаси бир қўлланма билан бойиди.

Истардикки, ҳар бир вилоят ўз имконияти даражасида изланувчан, илғор ўқитувчиларимизнинг ўзига хос тажрибаларини, янги педагогик технологияларни амалиётда самарали қўллаётганлар хусусидаги материалларни рисола тарзида нашр этиб, ҳамкасбларига етказиш йўлларини изласалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Қумрихон СУЛТОНОВА,**
**РТМ матбуот маркази раҳбари,**
**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,**
**«Ma'rifat»нинг махсус мухбири**

# «ОНА ТИЛИ, БУ МИЛЛАТНИНГ РУҲИДИР»

*Дунёда мактаб пайдо бўлибдики (маълумки, илк мактаб қадимги Шумерда бундан беш минг йиллар илгари пайдо бўлган), ундаги таълимда икки асосий устун мавжуд. Улардан бири она тили бўлса, иккинчиси математикадир. Она тилини ўқитиш ҳамма замонларда таълимнинг марказий масалаларидан ҳисобланиб келган. Бу азалий ва абадий ҳолат бежизга эмас.*

*Аввало, она тили кишилик жамиятининг, элатнинг, қавмнинг, миллатнинг, халқнинг моҳиятини тайин этадиган оддий, аммо олий омил эканлиги кундай равшан. Айни пайтда она тили инсон камолотини таъмин этадиган, уни ақлан ва руҳан ҳаракатга келтирадиган беназир кучдир. Қадим аждодларимиз бу кучни фарзандларнинг мурғак шуурига қанчалик эртароқ, қанчалик мунтазамроқ ва қанчалик табиий сингдириб борилса, жамият шунчалик жадал илгарилашини яхши англаганлар.*

*Она тили миллатнинг ижодий қудрати, ақлий салоҳиятини доимий равишда қайраб туради, бу қудрату салоҳиятни она тилисиз тасаввур этишнинг ўзи мушкул. Таниқли Ливан адиби ва рассоми Жаброн Халил Жаброн (1883-1931) ўзининг «Араб тилининг келажаги» номли асарида шундай ёзади: «Инсониятнинг ҳаёти ҳамиша олға ҳаракатланувчи улкан юришдир. Ижодкор миллатлар бу юришнинг бошида борадилар, «ижодкор» дегани эса «таъсир қилувчи, нуфузли» демакдир. Бу юришнинг охирида тақлид қиладиган миллатлар борадилар, тақлид қилиш эса таъсирга берилмоқ демакдир. Шарқ халқлари олдинда юрган, Ғарб орқада қолган пайтларда бизнинг тамаддунимиз ғарбликларнинг тилларига бениҳоя кучли таъсир кўрсатган, аммо Ғарб олдинга ўтиб кетди, биз улардан орқада қолдик, энди Ғарб тамаддуни, табиий равишда, тилимизга ҳам, тафаккуримизга ҳам, ахлоқимизга ҳам таъсир қила бошлади» (Джебран Халиль Джебран. Избранное. Ленинград: Художественная литература, 1986, 419-бет). Халил Жаброн айни пайтда мактабдаги она тили таълимининг фавқулодда муҳим аҳамиятини миллий манфаат тушунчасининг мактабдан шаклланиши билан боғлаган ҳолда таъкидлайди.*

*Тил ва миллат, тил ва халқ, тил ва шахс, тил ва тафаккур, тил ва жамият жуфтликлари бир-биридан мутлақо ажралмас тушунчалардир.*

*Бу борада Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини ҳамиша ёдда тутмоқ лозим: «Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Мен бу масалани алоҳида таъкидлаб айтаётганим бежиз эмас. Она тили, бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар». Зотан, ҳар қандай шахснинг миллий-руҳий мағзини она тили ташкил этади, миллатнинг руҳи, бутун ботиний олами, саъжияси эса ана шу миллий-руҳий мағизларнинг ўзига хос тарздаги уйғун жамланмасидан таркиб топади. Тил ва халқ табиатининг узвий боғлиқлигидаги ўзига хос хусусият ва қонуниятларни тадқиқ этиш заруриятн туфайли юзага келган этнолингвистика илмининг илк заминлари XI асрда улуғ бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарий томонидан яратилган эди. Кейинчалик бу фан Европада шаклланди.*

*Айтиш лозимки, тил ва тафаккурнинг диалектик бирлиги тўғрисида жуда кўп ёзилган. Ҳар бир миллат кишисининг тафаккур тарзи унинг она тилига кўра юзага келади. Рус тилининг машҳур изоҳли луғатини яратган Владимир Далнинг отаси даниялик, онаси эса олмон аёли бўлган, у шундай деб ёзган: «На истеъдод, на диний ишонч, на аждодлар қони инсоннинг у ёки бу халққа мансублигини тайин этади. Ким қайси тилда ўйласа, у ўша халққа мансубдир. Мен рус тилида ўйлайман».*

*Тил ва миллат, тил ва жамият масалалари Юсуф Абдуллаев ва Анатолий Бушуйнинг «Тил ва жамият» (Язык и общество. Ташкент: «Фан», 2002) китобида чуқур илмий тадқиқ этилган. Бу олимларнинг ҳақли равишда ёзишларича, «она тили туйғусининг мавжудлигида тилнинг этник табиати яққол намоён бўлади, чунки барча халқларда тил миллий туйғу ва миллий ўзликни англаш билан чамбарчас боғлиқдир» (24-бет). Шу ўринда улар атоқли тилшунос У. Вайнрайхнинг ушбу сўзларини эсга оладилар: «Тил ўз соҳибларига миллат ғояси билан уйғун бўлган миллий-ватанпарварлик туйғусини сингдира олади. Тил бошқа бир тилдан фарқли ва дахлсиз бир моҳият сифатида қадриятлар орасида юқори ва айни пайтда ҳимоя қилинадиган мавқени эгаллайди».*

*Америка олими Ж.А.Фишманнинг таъкидлашича, жиноятчиликнинг катта қисми асл миллий илдизларнинг кучсизланиши, она тили қўлланиш доирасининг торайиши тенденцияси яққол кўринган ҳудудларга тўғри келишини социологлар аниқлаганлар (Ўша китоб, 9-бет).*

*Шунинг учун ҳам ҳар қандай мустақил, эркин ривожланиш йўлидаги давлатда тил, она тили масаласига давлат сиёсати даражасидаги иш сифатида алоҳида эътибор бериб келинади.*

*Маънавий қадриятларимиз ҳақида, уларнинг тилимиздаги табиий инъикоси ҳақида Президентимиз шундай дейди: «Биз шарқона тарбия кўрганмиз, ўз одатларимиз, анъаналаримиз, ўз бетакрор инсоний табиатимиз мавжуд. Айтинг-чи, биздагидай ранг-баранг, инсонпарвар қадриятлар яна қаерда бор? Андиша, мурувват, меҳр-оқибат, орият, ибо ва ҳаё, мулозамат деган сўзларни бошқа бир тилга таржима қилиш мумкинми? Халқимизнинг инсоний фазилатларини ўзида намоён этадиган бундай атамаларни бир-бир санаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин».*

*Ана шундай фикрлардан келиб чиқилса, миллий истиқлол ғоясини фарзандларимиз онгига сингдиришда она тили таълими нечоғлик катта имкониятларга эга эканлиги янада равшанлашади.*

*«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» (Тошкент: «Ўзбекистон», 2000) китобида ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш вазифаси ҳам алоҳида таъкидланган. Табиийки, она тили дарсликларида, хусусан, ундаги машқлар, топшириқлар, турли тест вазифалари, хилма-хил матнларда миллий истиқлол ғояси тарғиби учун хизмат қиладиган фикрларга алоҳида эътибор қилинмоқда.*

*Бундан ташқари она тили таълимида миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар онгига янада чуқурроқ сингдириш учун яна қуйидаги бир қатор жиҳатларга диққатни қаратмоқ мақсадга мувофиқ:*

*Она тилини ўқитишда миллий тафаккур тарзини шакллантириш ва мустаҳкамлаш масаласи ҳамиша ўқитувчининг эътиборида бўлмоғи лозим. Миллий истиқлол ғояси миллий тафаккур тарзи қойим бўлмаган онгда барқарор бўла олмайди. Она тилида ўйлай биладиган одамгина шу тил эгаси бўлган халққа мансублигидан, бу халқнинг тарихидан, аждодларининг буюклигидан ифтихор қила олади, бу халқнинг бугуни ва эртасига собит ишонч билан қарайди, бугун ва эртанинг тугал бўлиши учун жонини жабборга бермоқни, ўлиб-тирилмоқни бурч деб билади.*

*Ўқувчи ўз она тилининг фақат товуш қурилиши жиҳатидан эмас, балки ифода йўсинлари, тасвир имконлари жиҳатидан бошқа тиллардан мутлақо фарқ қиладиган ўзига хос олам эканлигини идрок этмоғи зарур. Бунинг учун, энг аввало, сўз маъноларн таҳлилини сўз маъноси тарихига ихчам саёҳат билан қўшиб олиб бориш фойдали бўлишини айтиш жоиз. Тилнинг луғат бойлигидаги сўзларнинг аксарият кўпчилиги шу тил эгаси бўлган халқнинг ўзига хос кўриш, идрок этиш тарзи билан чамбарчас боғлиқ эканлиги мутахассислар томонидан аллақачон эътироф этилган. Масалан, «синчалак» сўзи қушнинг кичиклиги асосида пайдо бўлган, русча «синица» эса шу қушнинг рангига кўра юзага келган ва ҳ.к.о. Бу каби ҳолатлар ўқувчиларга умумий тарзда бўлса-да, тушунтириб борилса маъқул бўлади. Айтиш лозимки, миллий маънавият, хусусан, миллий истиқлол ғоясига бевосита дахлдор тушунчаларни билдирадиган сўзлар таҳлилига ҳам кўпроқ диққат қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.*

*«Миллий истиқлол ғояси» китобида «миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат»ни кучайтириш вазифаси ҳам алоҳида таъкидланган. Бу, албатта, она тили таълимидаги асосий мақсадлардан бири эканлигини ҳаммамиз яхши англаймиз. Ўқувчида бундай муҳаббат пайдо бўлиши, бу муҳаббатнинг кучайиши, унинг доим тирик бўлиши учун болада, биринчи навбатда она тили сезгиси, гўзал сўз туйғуси, бадиий ифода ҳисси ривожланиши лозим.*

*Она тили сезгиси шу тилдаги сўз ва жумланинг, улардаги бетакрор жилоларнинг синоатларидан хабардорлик асосида шаклланади. Шунинг учун болани сўзнинг ва жумланинг «ичи»га олиб кира билмоқ зарур бўлади. Бунда муайян сўз ва жумлани бошқа маънодошлари билан алмаштириш, бу жараёнда юзага келадиган маъно нозикликларини кўрсатиб беришдай синовдан ўтган усулларга кўпроқ мурожаат қилиш фойдалидир. «Аҳмад келди», «Раҳмат кетди» қабилидаги сийқа мисоллардан эмас, ўқувчининг юрагини жизиллатадиган, ширали ва жозибадор, тилимизнинг ўзига хос оҳорини намоён этадиган жумлалардан фойдаланиш ўқувчига кўп нарса беради. Сўз ва жумланинг бадиий имкониятини бола зеҳнига мос равишда кўрсатиб бериш ўқитувчининг ҳар доим эътиборида бўлиши шарт.*

*Она тили сезгисининг ҳамиша саломат сақланиши учун ўқувчи нутқига бошқа тилнинг таъсири борасида ҳам ҳушёрлик талаб этилади. Бошқа тиллар таъсирида ўзбек тилида юзага келган айрим нодуруст ифода ва ибораларнинг моҳиятини ҳам тушунтириб бориш фойдадан холи бўлмайди. Бошқа тилларни ўрганиш она тилида ўйлашни издан чиқаришга олиб келмаслиги лозимлигини доимо ёдда тутмоқ лозим. Ҳозирги пайтда тилимизда рус тилининг таъсирида юзага келган бир қатор иборалар борки, уларнинг қандай пайдо бўлганлигини ўқувчилар билиши керак. Эртага инглиз ва бошқа тиллар таъсирида ҳам турли номақбул ифодалар пайдо бўлиши мумкинки, уларни ўқувчи олдиндан тасаввур этса, мақсадга мувофиқ бўлади. Таъкидлаш керакки, бу каби ҳолатларни тушунтириш хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишни сўндиришга олиб келмаслиги шарт.*

*Юқорида тилга олганимиз Жаброн Халилнинг ёзғириб айтган бир гапи диққатга сазовор, яъни «Шарқ одамлари бугун ва эртага қараганда ўтмишга кўпроқ қизиқадилар». Албатта, ўтмишга қизиқиш бўлиши маъқул нарса, аммо бугун ва эртани ҳам ҳамиша ўйлаш шарт. Шунинг учун она тили таълимида ҳам маданиятимиз, тилимизнинг бугуни ва эртаси билан боғлиқ муаммоларни ўқитувчи доимо эслатиб туриши мақсадга мувофиқ. Муҳими, ўтмиш, бугун ва келажак учлигидаги меъёр нисбати она тили таълимида қатъий белгиланиши зарур.*

*Умуман, она тили таълими жараёнида миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар онгига сингдиришда боланинг ёш билан боғлиқ ақлий имкониятлари, идрок даражасини зўриқтирмаган ҳолда иш тутиш керак. Бунинг энг мақбул усул ва воситаларини излаб топишда ижодкорлик, ҳассослик ва зийраклик муҳим вазифани бажаради. Президентимиз «Миллий истиқлол ғояси» китобига ёзган сўз бошисида айтганларидек, «Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ёш ниҳолга мевали дарахт куртагини пайванд қиладиган уста боғбондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга ошириш лозим».*

**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

*— Men nafaqa pulini olib, tinchgina yuraversam bo‘ladi, — deydi Keulimjoy og‘a. — Ammo, farzandlarimiz qurum bosgan, zah imoratda emas, yangi zamonaviy binoda saboq olishga haqli-ku.*

*Chunki har kimning o‘zini o‘stirish imkoni bormi, demak, uning Vatan ravnaqiga hissa qo‘shish imkoni ham bor.*



# САРҒАЙГАН ЛОЙИҲА

*...Замонавий уч қаватли ўқувчилар техник ижодиёт маркази. Бир сменада 200 нафар ўқувчи келиб, мактабдан бўш вақтларида радиоҳаваскорлик, ракетамоделчилик, авиамоделчилик, кемасозлик тўгаракларига қатнашадилар. Дам олишга келган болалар ҳовузда чўмилиб, шинам ошхонада овқатланишади. Спорт залида эса турли тўгаракларда машғулотлар ўтилаяпти. Болаларнинг шодон қий-чуви қулоқни қоматга келтиради.*

*Туман раҳбарлари, прокуратура, суд, ички ишлар бўлими ходимлари марказнинг директори Кеулимжой Сисенбоевни табриклашар, ёшлар орасида жиноятчиликнинг кескин камайгани, уларнинг бўш вақтлари кўнгилли ўтаётгани учун унга миннатдорчилик билдиришарди. Бирбиридан ёқимли мақтов сўзлари. Қарсаклар, гуллар...*

*Олқишлар оғушида сармаст уйқудан уйғониб кетган Кеулимжой оға туш кўраётганини англади. Кўзини чирт юмиб, тушининг давомини кўришни истарди.*

*Кеулимжой ана шундай кунлар келишини кўпдан буён орзиқиб кутди. Унинг орзуси тушга айланса айландики, аммо ҳақиқатга сира яқинлашмади.*

*Нукус давлат педагогика институтининг умумий техника факультетида ўқиб юрган кезларидаёқ, техникага ихлоси баланд Кеулимжой ёшларни авиамоделчиликка, радиоҳаваскорликка ўргатишни жуда-жуда истарди. Ўқишни тугатиб, ўзи туғилиб ўсган туманга келганида, халқ таълими бўлимидагилар "айни бизбоп мутахассис экансиз" дея, 1979 йил ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказини очиб, унга директорликни ишониб топширишди.*

*Янги ташкил этилган жойнинг ўзига яраша қийинчилиги бўлади, албатта. Эски болалар боғчаси амал-тақал қилиб таъмирдан чиқарилди.*

*Ёш эмасми, Кеулимжой ташкилотчилик юмушларини ортиғи билан уддалади. Тез орада марказга шаҳардаги умумтаълим мактабларидан 565 нафар техникага қизиққан ўқувчилар қатнашадиган бўлди. Айниқса, радиотехника, фотоҳаваскорлик, авиамоделчилик тўгаракларига болаларнинг қизиқиши катта эканми, улар яратган моделлар катта-катта танловларда совринли ўринларга сазовор бўлди.*

## Миатто

*Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига қўйилган моделлар марказга шон-шуҳрат келтирди.*

*Ёшларнинг техник ижодиёт марказига қизиқишлари йил сайин ортиб, ўқувчилар сони кўпаяверди. Кеулимжой Сисенбоев туман раҳбарларига марказни кенгайтириш, бунинг учун янги иморат қуриш лозимлиги ҳақида илтимос қилди. Шундан сўнг марказнинг янги биносини қуриш учун 3 гектар ер ажратилди.*

*"Энди иморат лойиҳасини чиздиришнинг ҳаракатини қилаверинг, пул топиб берамиз", дейишди туман раҳбарлари. Бундан руҳланган Кеулимжой янги иморат лойиҳасини тайёрлатди. Аммо, не-не машаққатлар билан тайёр бўлган лойиҳани амалга ошириш учун ҳеч ким шошмади. Орадан кўп йиллар ўтди. 1997 йили Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирига мурожаат қилиб, амалий ёрдам бериш сўралди. Вазир вазиятни ўрганиш учун Қорақалпоғистонга ташриф буюриб, республика халқ таълими вазири билан бирга Беруний туманига келди.*

*Марказ фаолият юритаётган бинонинг жуда эскириб кетганлиги, зах ва пастқам иморат аста-секин нураб бораётганини кўргач, лойиҳани тезда қуриш зарурлиги ҳақида фикр билдирди. Туман раҳбарлари келгуси йилдан қурилишни бошлашга ваъда беришди. Лекин, ваъда ваъдалигича қолди. Аксига олиб, "Сенми, юқорига арз қиладиган", деб Кеулимжой Сисенбоевни ишдан бўшатишди, уни 2-гуруҳ ногиронлигига чиқариб қўйишди.*

*Ана шундан буён ҳам қанча сувлар оқиб ўтди. ваъда берган раҳбарлар бошқа жойга ишга ўтиб кетишди. Кейинги келган раҳбарлар эса лойиҳа ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўришмади.*

*— Мен нафақа пулини олиб, тинчгина юраверсам бўлади, — дейди Кеулимжой оға. — Аммо, фарзандларимиз қурум босган, заҳ иморатда эмас, янги замонавий бинода сабоқ олишга хақли-ку. Ёшларимиз баркамол, ҳар томонлама етук инсон бўлиб етишсин, деб Юртбошимиз қайғураётган пайтда, биз нега лоқайд бўлишимиз керак?*

*Ҳа, ана шу лоқайдлик сабаб, жонкуяр Кеулимжой оғанинг саъй-ҳаракатлари туфайли тайёр бўлган лойиҳа бугун ҳам сарғайиб ётибди. Ажаб эмас, бир жўмард топилсаю, бу муҳташам иморатни қуришни қўлга олса.*

**Ҳасан БЕКИМОВ,**
**Беруний тумани ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази ходими**

## *Kim edigu kim bo'ldik*

# ЎЗНИ ЎСТИРИШ ЗАМОНИ
## ёхуд Мустақиллик инъоми

***Мустақиллик бизга тарихимиз, бугунимиз ва келажагимиз ҳақида обдон ўйлаб, мулоҳаза юритиш, халқ ҳаётининг турли даврларини қиёслаб, хулоса қилиш имконини берди.***

***Шу тариқа «Ким эдигу ким бўлдик?» саволига жавоблар топаяпмиз.***

***Бугунги суҳбатимиз ҳам шу ҳақда. Суҳбатдошимиз – таниқли адабиётшунос, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олим.***

**– Истиқлол туфайли тафаккуримизда туб бурилиш юз берди. Шуни нималарда изоҳлаш мумкин?**

— Бир қараганда, мустақиллик қўлга киритилган заҳоти тафаккурда туб бурилиш юз беравермайдигандек туюлади. Лекин бирданига жаҳон харитасида янги мамлакат пайдо бўлса-ю, биз унинг фуқаросига айлансак, боз устига, шундай кунни халқ – ота-бобомиз асрасрлаб кутганини яхши билсак, тафаккур бирдан ўзгармасинми?! Бу чакана ўзгаришми? Қўпол демасангиз, бир ўхшатиш қилай: бу худди чаппа бўлиб ётган косани ўнгариб қўйгандай гап.

Хатомиз шу бўлганки, шўро даврида коса ўзи шунақа бўлади, унга бир қошиққина сув кетади, деб ҳисоблаб, косанинг тескари томонига сиққанчалик сув ичиб ўрганган эдик. Энди тушундикки, коса – каттагина бўлар экан, унга анчагина сув кетар экан...

Ўзбекистон деган ном 1924 йили республикага аҳолининг катта қисмини – тўртдан учи ё ундан кўпроғини ўзбеклар ташкил этгани учун берилган. Ўзбекистон алоҳида республика бўлгани учун ҳам унинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси... бор эди. Лекин буларнинг бари – хўжакўрсинга эди. Ахир, республикага ном берган халқнинг тили бу ҳудудда давлат тили эмас эди-да. Шу биргина миллий ҳуқуқ учун ҳам қанча курашилган. Қолган масалаларнинг аҳволини шундан қиёс қилаверинг.

Ислом оламида икки муқаддас манба бор: биринчиси – «Қуръон», иккинчиси – ҳадис. Ҳадислар масаласида, биринчи галда, юртдошимиз Имом Бухорий саралаган «Саҳиҳи Бухорий» китобига суянилади. Ҳатто, яқинда Англиянинг бир машҳур кутубхонаси директори интервью бериб, кутубхонаси жамоаси Имом Бухорийнинг шу китоби борлиги билан фахрланишини алоҳида таъкидлаб айтди.

Ҳозирги Қозоғистон ҳудудидаги бир шаҳар нега Туркистон деб юритилади? Ўлканинг номи ундан олинганми ёки унга ўлканинг номини беришганми? Аниғи шуки, Аҳмад Яссавий яшагани ва ўша ерга дафн этилгани учун бу ер «Пири Туркистон» дейилган. Кейинчалик биринчи сўз тушиб қолиб, Туркистон бўлиб кетган. Хуллас, бутун Туркистонимизнинг пири сифатида XI-XII асрлардан буён шу қадар улуғланиб келган зот ҳаёти ва ижоди ҳақида шўро даврида чиққан беш жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи»да бир нима дейишга йўл қўйилмаган.

Инсоният тарихида Амир Темурдек марказлашган давлат тузиб, дунёда тинчлик, барқарорлик, тараққиётга кенг йўл очган буюк зот кам ўтган.

Дунё шу уч буюк зотни ўрганди, ўзимиз уларни қоралаганча қораладик. Онам раҳматли, азбаройи «қулоқ»нинг қизи сифатида шўро ҳукуматининг зуғумларидан юраклари зада бўлганидан, укаларимга кекса отахонлардан эшитганим Амир Темур ҳақида эртакни айтиб берганимда, мени: «Иккинчи бу эртакни айтма!» – деб койиган эдилар...

**– Мустақиллик бизни мустабид шўро тузумидан халос этди. Ҳар биримиз ўша истибдод даврига ўзимизча баҳо берамиз...**

– Сиз қандай баҳо берган бўлар эдингиз, демоқчисизда?

**– Борингки, шундай дейлик.**

– Ҳар ҳолда, шўро даврини халқ тарихидан узиб ташлаб бўлмайди, халқ шу даврда ҳам ўз тақдирию келажаги йўлида тинимсиз курашган. Қанчадан-қанча машҳур зиёлиларни биламан, улардан таълим олганмиз, бирга ишлашганмиз, бундай кишилар ўша мустабид тузум даврида ҳам халқ манфаатини ўйлаган, имкон қадар унга зид иш қилмасликнинг чора-тадоригини излаган. Қисқаси, мустақиллик учун кураш зимдан бир лаҳза тўхтаган эмас.

Яна бир ҳақиқатдан кўз юммайлик. Ўзбек халқининг миллат сифатида қайта бўй кўрсатиши, ўзаро бирикиши айнан шўро даврига тўғри келди. Лекин ҳукмрон сиёсат бунга қарши ҳам тиш-тирноғи билан курашди.

Ялпи олганда, шўро даври – бир томондан, сунъий давлатчилик, иккинчи томондан, бир халқнинг бошқалар устидан гегемонлиги даври эди. Президентимиз Ислом Каримовнинг шўро даврига берган сиёсий баҳоси ҳар тарафлама тўғри — биз ярим мустамлака эдик.

Ўтиш даври осон кечаётгани йўқ. Ҳар биримиз рўзғоримизда қандай иқтисодий мушкулотларни бошдан кечираётганимиз ҳам маълум. Ахир, мустақилликка эришаман деб қон кечиб курашаётган халқлар олдида бу мушкулотлар нима бўлибди?! Шу қийинчиликларни рўкач қилиб, эски тузумни қўмсаётган киши топилса, мутлақо хато. Ундан кўра, қандай қилиб жамиятни камчилик ва иллатлардан тозалаш, ислоҳотларни тезлаштириш, имкон қадар қисқа тарихий даврларда юксак тараққиёт эшикларини очиш йўлларини излаган ҳар томонлама фойдали. Чунки ҳар кимнинг ўзини ўстириш имкони борми, демак, унинг Ватан равнақига ҳисса қўшиш имкони ҳам бор.

Чунки бутун дунёда социализм мағлубиятга учради. Қайси маънода? Оддийгина – тараққиётда бозор иқтисодиёти ривожланган демократик тузумдаги давлатлардан жуда ортда қолди. Ҳатто, турмуш даражаси асли бир миллат вакиллари бўлган Шарқий Германияда Ғарбий Германиядагидан ниҳоятда паст бўлиб қолган эди. Ҳозир худди шундай айнан ижтимоий тузум билан боғлиқ кескин фарқни Шимолий Қурия билан Жанубий Қурия ўртасида ҳам кўрамиз.

**– Эски замонда суяги қотган кишилар онг-тафаккурида давлат, ҳукумат, тузум, ҳаттоки, сиёсат, иқтисод, маънавият ҳақида бутунлай бошқача тасаввурлар бўлган, албатта. Шу бугун бизга халақит қиляптими?**

– Шу даражада халақит қиляптики...

Оддийгина бир гап: эски тузум одамлари онгига давлат халқни боқади, деган ақида қаттиқ ўрнашиб қолган. Ҳолбуки, ҳали инсоният тарихида ҳеч бир давлат халқни боққан эмас, аксинча, халқ давлатни боқади. Лекин шўро тузуми бутун мулкни ўз қўлига олволди-да, халқнинг меҳнати эвазига эришилган бойликни ўз истагича тақсимлади – мана, мен боқяпман, деб. Ўзингиз ўйлаб кўринг, дунёда бирон-бир нарса текин бўладими? Йўқ. Ҳар қандай маҳсулотга меҳнат синггган, ишлаб чиқарилган ҳар қандай нарсанинг нархи бор. Шўро давлати текин қилиб қўйган ҳар қандай нарсага, аслида, халқ меҳнати эвазига эришилган. Яъни давлат халқнинг ўзидан «билдирмай» олиб, бир қисмини «билдириб», миннат қилиб, «текин» деб берган.

Шу ўринда қизиқ бир мисол келтирай. Жанубий Қуриядан келган бир мутахассис: «Бизда таълим пуллик бўлгани учун ҳам ўқишга эътибор ниҳоятда кучли», деб ҳисоблайди.

Хуллас, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат фуқаролари, шўро даври одамларига нисбатан олиб айтиладиган бўлса, ҳар тарафлама фаол. Чунки улар эркин, манфаатли рақобатга кирган, куч-ғайрати, ақл-салоҳиятини имкон қадар фойдали томонга сарфлашга кўниккан... Шундан киши бошига товар ишлаб чиқариш даражаси ҳам баланд, турмуш тарзи ҳам юксак.

**– Бу эски тушунчалардан қутулиш учун нима қилиш керак?**

– Очиғи, шўро давлати «ишла-ишла» деб ишлатар эди, энди шундай жамият барпо этмоқчимизки, «ишласанг, тишлайсан» қоидаси амал қилади. Лекин аввал ҳаммамиз шу фикрга келиб олишимиз керак-да.

Одам боласи шундай зотки, осонликча бир тушунчасидан воз кечавермайди. Бунинг учун аввал обдон ўша тушунчасининг айнан нимаси хатолигини англаб олиши керак. Кейин эса ўрнига келадиган тушунчанинг айнан нимаси яхшилигига шак-шубҳа қолмаслиги лозим. Шу иккисига эришилмаса, фикр ўзгаришидан умид қилмаса ҳам бўлади.

Демак, зиёлилар олдида иккита муҳим масала турибди: биринчиси – эски тузумнинг яроқсизлигини исботлаш, иккинчиси – янги тузумнинг афзаллигини кўрсатиб бериш. Ҳар қандай тарғиботда шу икки нарсани эсдан чиқармаслик керак, деб ўйлайман.

Яна бир хулосам бор. Биз икки нарсада орқада қолдик. Биринчидан, меросимизни замон талаб қиладиган даражада билмаймиз, ундан етарли тарзда фойдаланолмаяпмиз. Ҳали бу борада кўп иш қилиниши керак. Иккинчидан, илғор дунёдан орқада қолдик. Замон шу қадар олдинлаб кетдики, ривожланган давлатларни тутиб олгунча озмунча тер тўкишимиз керакми...

**— Албатта бир суҳбатда мавзуга кирадиган барча масалаларни гаплашиб олиш имкони йўқ. Келинг, хулосавий бир савол берай: хўш ўзимизни бугун ким бўлдик, дея оламиз?**

— Истиқлол билан юртимизда ўзни ўстириш замони бошлангани рост. Бу ҳам халққа, ҳам ҳар бир шахсга тегишли гап. Бугун мустақил давлати, қонунлари, сиёсати, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрни ва овозига, бой маънавий мероси, анъаналари, қадриятларига эга, эрк-ҳуқуқи қўлида, ўз тақдирини ўзи белгилай оладиган, келажагини қураётган, ҳар тарафлама ривожланган давлатлар даражасига етиб олишга қатъий бел боғлаган, бу йўлда тўсиқларни енгиб ўтишга қаттиқ чоғланган халқ бўлдик. Лекин бу эзгу мақсадларимизга етиш ҳеч қачон ўз-ўзидан юз бермайди. Чунки жаҳон тарихида ҳеч бир халқ ё давлат мақсад-муддаосига заҳмат-машаққат чекмай туриб эришган эмас.

***Суҳбатдош: Абдулҳамид АБДУЛАҲАД ўғли***

# ИҚТИДОР ВА ИСТЕЪДОД НАМОЙИШИ

***Айни пайтда мамлакатимиз ЎМКҲТ тизимида ўқув-тарбия жараёнини янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар ташаббускорлиги ва ўқувчи-ёшларнинг илмий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу йўналишда зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантирувчи, уларни мустақил фикрлашга, тафаккурининг янгидан-янги қирраларини очишга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Яқинда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейда пойтахтимиздаги ЎМКҲТ муассасаларидаги иқтидорли ва истеъдодли ўқувчиларни илмий изланишларга жалб қилиш мақсадида бўлиб ўтган ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича шаҳар конференцияси ҳам ана шу тадбирлар сирасига киради.***

***Бу анжуманда Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги 120 тадан зиёд таълим муассасаси ўқувчилари 260 тадан ортиқ илмий ишлари билан иштирок этишди. Мазкур анжуман она тили ва адабиёт, тарих, ҳуқуқ ва маънавият ҳамда хорижий тиллар каби тўртта шўъбада иш олиб борди. Эътиборлиси, ҳар бир шўъбада ўқувчи-ёшларнинг илмий ишлари ҳимоясини таниқли олимлар, Ўзбекистон Фанлар Академияси, қатор олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари муносиб баҳолаб бордилар.***

***Тараққиётнинг ҳозирги тарихан янги босқичида ёш йигит-қизларнинг илмий дунёқарашларини давр талаблари даражасида бўлишини таъминлаш ҳар бир таълим муассасаси олдида турган муҳим вазифадир. Жаҳон илм-фан олами ва маданиятининг илғор ютуқларини ёш авлодга сингдириш, улар орасидан билимдон ва истеъдодлиларини аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳар бир ютуғини имкон қадар рағбатлантириб туриш, илм масканларида бундай ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра қўшимча машғулотлар ташкил этишга бугун катта аҳамият бериш зарур. Бу борада айни чоғда таълим муассасаларида махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар бир иқтидорли ўқувчига тажрибали педагоглар бириктирилган.***

## ОЛИМЛАР ЭЪТИРОФИ

— Бугунги анжуман ўсиб, ривожланиб келаётган ёш авлоднинг илм сирларини ўрганишларида катта туртки бўлади, - деди тарих фанлари доктори, профессор Қўлдош Эргашев. - Тарих фани шўъбасида ёш олимларнинг бажарган ишлари ва улар танлаган мавзулар ниҳоятда долзарб, бугунги кунда аҳамияти катта масала ҳисобланади. Иқтидорли ўқувчиларнинг тарихимизга ҳолисона нуқтаи-назардан ёндошишлари, меҳр-муҳаббат билан аждодларимиз меросига қарашлари ва улар бошлаган эзгу ишларни давом эттиришга бўлган ҳаракатлари бизни ҳаяжонга солди, юрагимизни умид ва ишончга тўлдирди.

— Уларни ҳақли равишда ёш олимлар, дея аташга арзийди, — дейди филология фанлари доктори, профессор Карим Назаров. — Зеро, бугун бу ерда иқтидорли ёшларимиз ўзларининг бор истеъдодларини намойиш этишди. Ишончим комилки, бу илмий-амалий конференцияда иштирок этган ўқувчиларнинг деярли барчаси келгусида ўз олдиларига катта мақсадлар қўйишга ва қунт билан изланишлар олиб бориб, мустақил юртимиз шаънини дунё илм-фани олдида намоён этишга қодирлар. Улар буюк аждодлари ва олимларимиз ишларини муносиб давом эттирадилар.

— Конференция ўз вақтида ташкил этилган муҳим тадбирлардан биридир, — дейди филология фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев. — Ёш олимларнинг таниқли олимлар, фан арбоблари билан бугунгидай очиқ мулоқоти, баҳс-мунозаралар олиб боришлари, бир сўз билан айтганда, илмий-амалий ҳамкорлик қилишлари уларни ўз устиларида жиддий ишлашга, билимларини доимий равишда ошириб боришларига ўргатади.

— Ўзбекистонлик ўқувчиларнинг мана шундай йирик анжуманида илк марта иштирок этаяпман, — дейди Тинчлик Корпуси вакили, Янги Зеландиялик Хэлен Уолш хоним. — Хорижий тиллар шўъбасида ҳайъат аъзоси сифатида иштирок этиш барobарида шу нарсага амин бўлдимки, қатнашчиларнинг барчаси ниҳоятда қаттиқ тайёргарлик кўриб келишган. Бу каби илмий анжуманда ўз ижодий ишини нуфузли ҳайъат эътиборига тақдим этишининг ўзи ўқувчилар билимларининг юқори эканлигидан дарак беради.

## ҒОЛИБЛАР ЎЗ ИЖОДЛАРИ ҲАҚИДА

**Дилноза МАМАТҚУЛОВА, Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги Миробод академик лицейи ўқувчиси:**

— Мен «Мустақиллик даври сўзлари» мавзусида илмий иш бажардим. Маълумки, мамлакатимизда мустақилликка эришилгандан кейин тилимиз ривожига ҳам кенг йўл очилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳамда фан ва техника соҳаларидаги ўзгаришлар ҳам тилимизда акс этмоқда. Хуллас, имкон даражасида бу жараённинг фақат бир томонини, яъни янги сўзларнинг ҳосил бўлганлигини тасдиқлашга уриндик. Насиб этса, устозим Маҳбуба Аҳатова билан ушбу мавзуни атрофлича тадқиқ қилиш ниятидамиз.

**Илҳом НОРБЎТАЕВ, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номидаги академик лицей ўқувчиси:**

— Илмий ишимнинг мавзусини «Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти» деб номладим. Зеро, бугун мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсонпарвар ҳуқуқий-демократик давлат қуриш жараёни, бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг муҳим демократик институтларидан бири бўлган адвокатуранинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Тадқиқотимизда адвокатлик фаолиятининг моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳамда жамият учун аҳамияти, унинг Ўзбекистонда ҳуқуқий тартибга солиниши ва бу борадаги мавжуд муаммолар, адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакллари ва турлари, уларни такомиллаштириш масалалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинди. Бу йўналишда амалдаги қонун ҳужжатлари, ушбу мавзуга оид илмий адабиётлар, шунингдек МДҲ ва АҚШнинг бу борадаги илғор тажрибалари таҳлилий-қиёсий ўрганилди.

**Ҳамидулло МУРОДОВ, ушбу лицей ўқувчиси:**

— Мен танлаган мавзу «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи» масаласига бағишланган бўлиб, унда халқаро болалар ташкилоти тўғрисида ахборот, мамлакатимиз болалари ҳукумат ва Президент ҳимоясида эканлиги ҳамда болалар ҳаётидаги камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларига алоҳида тўхталдик. Масалан, ана шундай амалий таклифлардан бири ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қарорларнинг узоқ қишлоқларда бажарилиши



бирмунча сустлигини ҳисобга олиб, ушбу жойларда махсус ижтимоий марказлар ташкил этишни таклиф этмоқдамиз.

**Бобур ВАЛИЕВ, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Раҳимов академик лицейи ўқувчиси:**

— Комил инсон азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Шу сабаб, мен илмий ишимга «Комил инсон — буюк келажак замини» мавзусини танладим. Комилликнинг белгиси хақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан одамларга қанчалик фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, хақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади. Шундай экан, биз ёшлар машаққат ва ҳақиқат, меҳру оқибат, сабру қаноат, илму маърифат йўлидан қатъийлик билан олдинга интилишимиз даркор. Ана шундагина биз буюк келажакка эришамиз.

**Элёр ЭГАМБЕРДИЕВ, ушбу лицей ўқувчиси:**

— «Ахлоқ ва одоб — маънавият ўзаги» мавзуси мени анчадан буён қизиқтириб келади. Зеро, инсонга зийнат бағишлайдиган фазилат одоб ва ахлоқдир. Ахлоқ илми яхшилик ва ёмонлик ўртасида мураккаб муаммолар ҳақида баҳс юритиб, инсоннинг комилликка эришиш йўлини ёритиб боради. Тарихга назар ташласак, буюк шахсларнинг фаолияти моҳир ташкилотчилик, чуқур билимлилик билангина эмас, балки етук ахлоқи ва одоби билан ҳам белгиланишини кўрамиз. Донишмандлар тарихда яхши ном қолдиришни иккинчи умр деб бекорга айтмайдилар.

## *Anjuman*

**Суннатилло ҚАРШИЕВ, Тошкент давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейи ўқувчиси:**

— Мен «Босмачилик» ҳақида ҳақиқат ва уйдирма» мавзусида тарих фанидан илмий иш қилдим. Халқимизда ҳар бир инсон ўзининг етти пуштини билиши зарур деган нақл бор. Шундай экан, ўтмишимизни билмоғимиз тарих саҳифаларининг ҳар бир варағини, унинг асл моҳиятини англамоғимиз зарур. Илмий ишимда яқин ўтмишдаги миллий озодлик йўлида ҳаракат қилган Мадаминбек Аҳмадбек ўғли ҳаётига алоҳида тўхталдим. Бундан ташқари, тарихий манбалар ва ҳужжатларга асосланиб, ўша давр фожеасини, халқимизнинг бошига тушган мислсиз кулфатларни холис ёритишга, тоталитар тузумнинг ғайриинсоний, ваҳший моҳиятини фош этишга интилдим.

**Гулшам ШОҚОСИМОВА, шу лицей ўқувчиси:**

— Бугунги анжуманда Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги Зеби образининг талқинини беришга ҳаракат қилдим. Бу асарни истиқлол нуқтаи назаридан ўқиб ўрганиб, унда акс эттирилган ижтимоий ҳаёт, образлар кўлами, хусусан, Зеби образининг ўзига хос бўлган ҳусусиятларини очиб бердим, деб ўйлайман.

**Сарвар АБДИРАҲИМОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейи ўқувчиси:**

— Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир. Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни ҳеч қандай куч орқали енгиб бўлмас экан, биз хаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни ана шу тарих билан қуроллантиришга ўз хиссамизни қўшишимиз керак. Ана шу маънода мен «Мустақил Ўзбекистон: кеча ва бугун» номли ижодий ишимда тарихга кўп бора мурожаат қилдим...

Кўриб турганингиздек, юқорида ўқувчиларининг фикрлари келтирилиб ўтилган таълим муассасаларидан ташқари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Ислом университети, Тошкент давлат юридик институти, Тошкент молия институти каби олийгоҳлар қошидаги академик лицейлар ҳамда Тошкент педагогика, туризм касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўз йўналишлари бўйича ғолиб деб топилиб, республика босқичига йўлланма олишди.

***Нурлан УСМОНОВ,***
***«Маърифат» мухбири***
***Башорат ОМОНОВА,***
***Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси мутахассиси***

# БОЛАНГИЗНИ ШУНДАЙ БОҒЧАГА БЕРИНГ!

**Бугунги кунда боғча болаларнинг тафаккурини ва саломатлигини тўғри шакллантириш энг долзарб муаммолардан биридир. Навоий шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 12-сон "Нурчалар" боғчасида тарбияланаётган 164 нафар кимёгарлар фарзандлари билан тажрибали педагог ва меҳрибон тарбиячилар ақлий ва жисмоний тарбияга оид машғулотларни мунтазам олиб боришади.**

**Тарбия маскани таркибида ўзбек ва рус гуруҳлари мавжуд бўлиб, инглиз тилини ўрганишга йўналтирилганлиги учун вилоятда таянч боғча ҳисобланади. Шу боис боғчада тарбия топаётганларни мактабга тайёрлаш яхши йўлга қўйилган. Педагог ва тарбиячилар кичкинтойларга лотин алифбоси, математика, расм, ашула, жисмоний тарбиядан пухта сабоқ бераётганлиги ота-оналарга ҳам қўл келаяпти. Бундан ташқари болажонларга 4 маҳал тўйимли ва мазали овқат, шифобахш ўсимликлардан қайнатиб тайёрланган турли шарбатлар тиббиёт ходимлари назорати остида вақти-вақтида ичирилиши улар саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам бераяпти, дейди боғча мудираси Комила Абдуллаева.**

**Боғчадаги маънавият ва маърифат, кутубхона, рақс, кичик ўлкашунослик музейи, экология, мониторинг хоналари тарбия жараёнининг кўнгилдагидек ташкил этилганидан дарак беради. Шунингдек, "Маънавият ва маърифат" хонасида тез-тез миллий урф-одатлар, анъаналар ва маданий меросимизни ўрганиш бўйича қизиқарли тадбир ва суҳбатлар ўтказилиб турилади. Хусусан, яқинда "боғча дорилфунуни" мавзуси доирасида гуруҳлар ўртасида кўрик-танлов ўтказилди. Хуллас "Нурчалар"даги болалар эртанги кунга нурли нигоҳ ташлаяптилар.**

***Моҳинисо ПЎЛАТОВА***

# БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҲАҚИДА ҲИКОЯТЛАР

## ҲАЗРАТИ ХОЖАНИ НЕГА БАЛОГАРДОН ДЕЙДИЛАР?

Бу пири комилнинг даъвати — Даст ба кор, дилба ёр, яъни “қўл ишдаю, дил Аллоҳда бўлсин“ эди. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бир умр бу шиорни халқ орасида туну кун ёйиш билан бирга, ўзи ҳам умрбод унга оғишмай амал қилди.

Ҳазрати Хожа ўз ҳамюртларини ўт балоси, сув балосидан сақлаб қола олмаса ҳам уларни нафс балосидан, жаҳолат балосидан, манманлигу қуллик балосидан асради. Шу йўлга жонини тикди. Шунинг учун ҳам ул зот — Балогардон деб аталади.

## ЧИЗИҚДАН ЧИҚА ОЛГАН ХОЖА

Ривоят қилишларича, Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ёшлигида машҳур шайх Ҳазрат Саййид Мир Кулолнинг хизматида бўлган экан. Кунларнинг бирида Ҳазрат Саййид йўл устига бир чизиқ тортди-да, шогирдларига: “Ҳеч ким мана шу чизиқдан ўтмасин“, деди. Шогирдлари ҳайрон бўлиб, чизиқни босиб ўта олмай тўхтаб қолдилар. Лекин Баҳоуддин Нақшбанд чизиқни шартта босиб ўтиб, Ҳазрат Саййиднинг орқасидан эргашди. У ўз устозига етиб олганида, Саййид Мир Кулол унинг елкасини қоқиб “Боракалло, яхши иш қилдинг, бир чизиқ баҳона биздан ортда қолмадинг”, деди.

Ҳа, чизиқдан чиқа олган мардларгина эзгуликка етишлари мумкин.

## АВЛИЁЛИКНИНГ УЧ БЕЛГИСИ

“Авлиёликнинг уч белгиси бор, — дейди Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. — Биринчиси — унинг юзи одамларни ўзига жалб этади, иккинчиси — гапирганда сўзи ром этади ва учинчиси — авлиёни ҳамма улуғвор деб билса ҳам, ҳеч қачон ўзига бино қўймайди”.

## ХОЖА ТАЪЛИМОТИ

Ёшликдан барча илоҳий ва дунёвий билимларни эгаллаган бу улуғ зот илму ҳол (авлиёлик илми)нинг ҳам чуқур поёнига етди ҳамда бу борада ўз йўли — Нақшбандия тариқатига асос солди. Бу йўлга мувофиқ, у инсонларни дунёдаги энг олижаноб мақсад ва мартабага, иймон ва эътиқодга ундади, комилликка чақирди. Ул зотнинг инсонларга берган таълимоти саккиз фаслдан иборат бўлиб,- булар: Хуш ҳар дам — доимо ҳушёр ва огоҳ бўлмоқ: Назар ба қадам — юрган йўлни билиб босмоқ; Сафар дар ватан — ватанни кезиб кўрмоқ ва уни севмоқ; Хилват дар анжуман —ҳамма жойда ўзликни англамоқ; Ёдкард — иймон-эътиқодни доимо дилда сақламоқ; Бозгашт — ёмон фикрларни дилдан, хаёлдан қувмоқ; Нигоҳдошт — хаёлу фикрларни соф сақламоқ; Ёддошт — Ҳақ таолони ҳамиша ёдда тутмоқдан иборатдир.

*Бухоро вилоят академик лицейи ўқитувчиси Ражаб МУРОДОВ тайёрлаган.*

---

*Tarbiyaviy soatlarda*

# ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТЛАР — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Республикамизда атоқли маърифатпарвар, истеъдодли шоир, “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим“, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби дарсликлар муаллифи Абдулла Авлоний таваллудининг 125 йиллиги нишонланмоқда. Унинг тараққийпарвар, инсонпарвар ғояларини ёшлар онгига сингдириш мақсадида адабий кечалар, конференциялар, учрашувлар, “Абдулла Авлонийни қўмсаб” мавзусида иншолар танлови ўтказилаётир. “Шаҳидлар хотираси“ ёдгорлик мажмуаси ва маърифатпарвар адиб уй-музейига ташриф ҳам жамоатчиликнинг Авлоний хотирасига ҳурмати ифодасидир. Синф раҳбарлари тарбиявий соатлардан унумли фойдаланиб, уларда Авлоний ўгитларидан намуналар бериб борсалар ёки бирор соатни “Гўзал фазилатлар — инсон зийнати“ номли тадбирга ажратишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу тадбирни қуйидагича ўтказиш мумкин.

Ўқувчилар синф хонасини Авлоний портрети, у ҳақидаги мақола ва рисолалар, шоирнинг китоблари, ўзлари ёзган рефератлар, асарларига ишланган рангли суратлар ва унинг яхши хулқлар ҳақидаги фикрлари ёзилган шиорлар билан безатадилар. Тарбиявий соат ўқитувчининг кириш сўзи билан бошланади.

— Абдулла Авлоний 1878 йили Тошкентда туғилган. Дастлаб эски мактабда, сўнгра мадрасада ўқиган. У ўз таржимаи ҳолида шундай ёзади: “12 ёшимдан Ўқчи маҳалласидаги мадрасада дарс ўқий бошладим, 13 ёшимдан бошлаб ёз кунлари мардикор ишлаб, оиламга ёрдам қилиб, қиш кунлари ўқир эдим. 14 ёшимдан бошлаб, ўша замонга мувофиқ ҳар хил шеърлар ёза бошладим. Бу замонларда “Таржимон” газетасини ўқиб, замондан хабардор бўлдим”.

А.Авлоний “Қобил”, “Шуҳрат”, “Ҳижрон”, “Сурайё”, “Абулфайз”, “Индамас“ тахаллусларида ижод этиш билан бирга дарсликлар ҳам яратган. Сиз “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобидан қандай бобларни биласиз?

1-ўқувчи: Мен “Илм” бобини қайта-қайта ўқийман. А.Авлоний илмни дунёнинг иззати, охиратнинг шарофати, савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан айириб берувчи муқаддас фазилат деб билади. Чунки илм инсонни жаҳолат қоронғулигидан қутқаради, ёмон феълллардан қайтаради.

2-ўқувчи: Авлоний бу китобида шундай ёзади: Пайғамбаримиз: “Илмга амал қилгучилардан бўлингиз, нақл ва ривоят қилгучилардан бўлмангиз”, демишлар.

Илм бир дарё ичи тўлмиш дуру гавҳар билан.

Қиймату қадрин қачон билғай они жоҳил йилон.

3-ўқувчи: А.Авлоний илмни иккига бўлади: диний ва фанний қисм-лар ва ёзади: — Диний киши бўлмак учун улуми диния ўқумак ила баробар ҳисоб, ҳандаса, тарих, ҳикмат, кимё, тиб, зироат илмлари каби фанний илмларни ҳам билмак, чин олим бўлмак лозимдур. Чунки бу илмларнинг иккиси ҳам дунё ва охиратимиз, ҳаёт ва саодатимиз учун энг керакли нарсалардур.

Ўқитувчи: Авлонийнинг бу фикрлари каби бобомиз ҳикматларидан намуналар биласизми?

4-ўқувчи: Фахрулбанот Сулаймониянинг илм ҳақидаги фикрларини биламан: — Агар инсон илм нури билан ўз йўлини ёритмаса, зулмат ва нодонлик кўчасида қолади. Киши қалбининг нури илм ва маърифат билан бақувват бўлади.

5-ўқувчи: Илм бир хазина бўлса, бу хазина калити — савол.

6-ўқувчи: “Ватанни суймак” боби ҳам зарур, билишимиз лозим бўлган бобдир. “Ҳар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Расули акрам САВ афандимиз: “Ҳуб бул-ватани минал имони — ватанни севмак имондандур”, — демишлар.

7-ўқувчи: Ҳаё, иффат — инсоннинг гўзал фазилатларидан биридир. Иффат деб нафсимизни гуноҳ ва бузуқ ишлардан сақламоқни айтилур. Бизларни гуноҳ ва маъсиятдан сақлагувчи, ҳаром-ҳаришдан нафсимизни асрагувчи фақат иффатимиздир. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир.

8-ўқувчи: “Ҳифзи лисон” боби эса барчамиз учун баробардир. “Ҳифзи лисон деб ҳар бир миллат ўз она тили ва адабиётини сақламагани айтилур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур, деб ёзади.

9-ўқувчи: Инсоннинг гўзал фазилатларидан бири — мунислик. Мунислик деб ҳар ким ўз тенги, маслакдошини топиб, улфат бўлмакни айтилур. Дунёнинг лаззати содиқ дўстлар ила суҳбат қилмоқдан иборатдур.

Яхши дўст айби ёру дўстини
Кўзгудек рўбарўсида сўзлар.
Ёмон ўртоғ тароғча минг тил ила,
Орқадан бирмалаб териб сўзлар.

10-ўқувчи: Менга “Садоқат”, “Адолат”, “Муҳаббат” боблари манзур бўлди. Мана, Авлоний нима дейди: — Содиқ киши дин ва миллатига, ватан ва давлатига тўғрилик ила хизмат қилуб, обрў ва мукофотлар олур. Садоқат гулшани саломат, бўстони нажотдур.

Шу тариқа ўқувчилар “Олиҳиммат”, “Авф”, “Ҳақшунослик”, “Хайрихоҳлик” каби гўзал фазилатлар ҳақида ҳам фикр билдирадилар.

Тарбиявий соат сўнгида ўқувчилар хулосаси тингланади ва “Ҳаётимиз давомида уларга амал қилайлик, нималарга...” деб ёзилган катта ватман берилади ҳамда ўқувчилар унга жавобларини ёзиб берадилар. Дарсни ўқитувчи Хуррамийнинг ушбу тўртлиги билан якунлайди:

Чиройли хулқ билан инсон инсондир,
Четдан боқсанг шакли ҳаммаси бир хил.
Рангу ҳиди билан фарқи билинар,
Ёзилишда бир хил бўлган “Гулу гил”.

Кўринадики, Абдулла Авлонийнинг “Яхши хулқлар” ҳақидаги қарашлари ўз қимматини йўқотмаган ва узоқ йиллар йўқотмайди ҳам.

*Гулнора ЭРГАШЕВА, ТШХТББ методисти, Маҳмуда ВАЛИЕВА, Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси*

---

*Ma’naviyat xabarlari*

## АМАЛДАГИ ҲАМКОРЛИК

**“Обод маҳалла йили“ муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика “Маънавият ва маърифат” маркази ва “Маҳалла“ жамғармалари ҳамкорликда маҳаллаларда қонун устуворлиги, давлат ва жамият бошқарувида фуқаро фаоллигини ошириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, келажак авлод тарбиясида маҳалланинг ўрни ҳақида давра суҳбатларини ўтказмоқда.**

**Апрель ойининг бошидан буён бундай учрашувлар пойтахтимизнинг барча туманларида бўлиб ўтди. Вилоятларда эса давом этмоқда.**

*Фазлиддин АБИЛОВ*

## ТАРҒИБОТЧИЛАР ТАҲСИЛДА

*Республика “Маънавият ва маърифат” марказининг ташаббуси билан “Жамоатчилик орасида маънавий ва маърифий ишларни тарғиб қилиш” мақсадида ташкил этилган ўқув курсида вилоятлардан келган маънавият тарғиботчилари таҳсил олиб ўзаро тажриба алмашмоқдалар. Яқинда улар пойтахтимизда жойлашган Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, Хотира майдони ва Шаҳидлар хиёбонида бўлишди.*

*Халқ яратган маънавий хазина ҳеч қачон ўлмайди. Маънавият тарғиботчилари музейлар зиёратидан ушбу ўлмас маънавий хазинамизнинг муқаддаслигини яна бир карра тушуниб етишди.*

*Уларнинг эндиги мақсади бу туйғуни атрофдагилар қалбида ҳам уйғотишдир.*

*Аъзам РАББИМОВ*

## ИСТЕЪДОДЛАР КЎЗ ОЧМОҚДА...

*Tanlov*

*Ўсиб келаётган авлод маънавиятининг юксалишида санъат муҳим ўрин эгаллаши, инсонни гўзалликка ошно этиши шубҳасиз.*

*Санъат халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди. Тил билмаган кишилар у орқали бир-бирларини тушунадилар.*

*Иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш, ёш хушовозларга етарли шароитларни яратиб бериш мақсадида ҳар йили “Ўзбекистон — Ватаним маним” қўшиқ байрами мунтазам ўтказилмоқда. Айни кунларда пойтахтнинг барча туманларида ҳам кўрик-танловнинг қуйи босқичлари бўлиб ўтмоқда. Куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими ва туман қўшимча таълим мажмуаси ҳамкорлигида “Ўзбекистон — Ватаним маним” анъанавий болалар кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Танловда қўшимча таълим мажмуаси, ҳаваскорлик жамоалари ҳамда Мирзо Улуғбек туманидаги бир қанча умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этдилар. 101-махсус мактаб-интернат ўқувчилари, фольклор жамоалари, «Булбулча», «Юлдузча», «Тантана», «Табассум» ва «Чиннигул» гуруҳлари байрамона безатилган саҳнада дилдан куйлаб ўз санъатларини намойиш этдилар. Қўшиқ байрамида иштирок этган иқтидорли санъат шайдоларининг чиқишлари ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.*

*Ширмоной АСРАНОВА, Мирзо Улуғбек тумани ҚТМ бўлим мудираси*



---

# УЛУҒ МУРАББИЙ

*G‘afur G‘ulom tavalludining 100 yilligi oldidan*

Бадиий адабиётнинг инсон тафаккури ва туйғуларига кўрсатадиган таъсири ўрнини маданият ва санъатнинг бошқа бирор-бир тури боса олмайди. Зеро, бадиий асарчалик кишини ўзига эл қила оладиган, воқеалар, манзаралар, шароит ҳамда вазиятларнинг тирик иштирокчисига айлантирадиган сеҳру синоат на кино ва натеатрда мавжуд. Шу боис, «Аввало сўз бўлган!» деган калом ҳануз ўз ҳаққонийлигини сақлаб келаётир.

Ёш авлод тарбиясида бадиий сўзнинг аҳамияти беқиёс. Мактабда адабиётдан бериладиган сабоқ бир тарафу, ўқувчиларнинг мустақил ўқишларини самарали йўналишга йўллаш бир тараф. «Самарали йўналишга бошлаш» деганда биз ўқувчиларда бадиий асар танлаш қобилиятини, савиясини шакллантиришни назарда тутаяпмиз. Зотан, қўлга тушган китобни ўқигандан наф йўқ. Биринчи галда Ватан адабиёти намуналари ёш китобхоннинг режасида турмоғи, ўз адабиёт оламини, йирик адибларимиз ҳаёти, фаолияти билан танишиш унинг бадиий сўз дунёсига киришида илк бекат бўлмоғи лозим. Шу маънода, биз замонавий ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси, оташнафас шоир Ғафур Ғулом ижоди мисолида мулоҳазаларимизни давом эттирмоқчимиз.

Ўзбек шеъриятининг оташин жарчиси, улкан сўз санъаткори Ғафур Ғулом миллий адабиётимиз ривожига катта ҳисса қўшган адиблардандир. Шарқ ва Ғарб фалсафаси, маданияти, тарихини чуқур билган шоир мумтоз ўзбек адабиёти анъаналарини XX асрда давом эттирди ва бадиий сўз тараққиётига сидқидилдан хизмат қилди.

Ёшлигида оғир турмуш шароити боис олий маълумот олишга улгурмади, бироқ ҳаёт аталмиш олий дарсхонада халқ орзу-умидларининг теран мазмун-моҳиятини идрок этди, бадиий тафаккур сир-асрорларини пухта эгаллади. Тўққиз ёшидаёқ етим қолиб, турмуш қийинчиликларини сабр-тоқат билан енгиб, адабиёт соҳасида ғоят самарали меҳнат қилган Ғ.Ғулом «Мен ўзбек шоириман, ўз халқимнинг тилиман», дея олиш даражасига кўтарилди. У ўзбек халқининг жаҳондаги буюк халқлардан бири эканини англаб, ҳис этиб яшаган адиб, бутун умри давомида ўз халқининг ғурурини, бугунию ўтмиши, келажаги, армону умиди, машаққату сururини куйлади.

Атоқли шоир қарийб қирқ беш йиллик ижодий фаолияти давомида кўпгина шеърлар, достон, очерк, ҳажвия, ҳикоя, қисса, мақола, таржима асарлар эълон қилди. Унинг ҳаёти ҳақида, асарлари тўғрисида кўплаб илмий асарлар яратилган ва яратилмоқда.

Тошкентнинг Арпапоя маҳалласидаги адиб ҳовлисида бутун дунё шоиру адибларининг йўллари кесишган, бу масканда унда ўтмиш, бугун эртанги адабиёт ҳақида қизғин баҳслар бўлган. Бу муборак хонадон соҳиби устоз Ғафур Ғулом эди. Келинг, шу ўринда севимли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг устоз ҳақидаги хотираларидан бир парча ўқийлик:

«Бу давраларда Ғафур Ғулом тўлиб-тошиб шеърлар ўқирди. Нимаики бисотида бўлса, борини дастурхонга тўкарди. Ҳовлисида пишиб ётган гилосларни сават-сават қилиб ўртага қўярди. Ўғил-қизлари одоб билан хизмат қилишарди». Доимо меҳмон билан гавжум бу хонадон учун инсон жуда азиз бўлгани ҳеч ҳам сир эмас. Бу қутлуғ даргоҳ Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Шуҳрат каби шоирлар учун ўзига хос дорилфунун вазифасини ўтаган. Ғафур Ғулом уларнинг барчасини жуд эъзозлаган, айниқса, тенгдошлари ҳақида шундай ҳароратли гапларни айтган: «Тенгдошларимдан Ойбекнинг кенглиги, Абдулланинг сиқиқлиги, Шайхзоданинг чуқурлиги, Миртемирнинг эркалиги менга ёқади».

Бағри кенг, файзли инсон бўлганидан у кирган уйига кулгу, шодлик улашган, ҳар қандай тунд одамнинг ҳам юзига табассум югурган. Санъатнинг барча турларига интилган серзавқ истеъдод эгаси бўлгани эса яхшигина суратлар чиза олганида кўринади. Ўзи бу ҳақда: «Шоирлик ишқи дилимга тушмаганида, албатта, рассом бўлардим», деган. «Борди-ю рассом бўлолмаганингизда-чи?», деб сўраганларида халқ шоири: «Унда ё ҳофиз, ё дуторчи бўлардим», деб жавоб берган экан.

Ҳа, адибнинг яхшигина дутор чертишнию, куй хиргойи қилишини кўпчилик яхши биларди. Ижоддан толиққан кезлари у дутор чалиб, севимли куйи «Тановар»ни секин хиргойи қиларди. Шундай кечаларда шоир кўпинча Мулла Тўйчи ҳофизни эслар, таниқли бастакор Юнус Ражабий эса унинг яқин кишиларидан бири эди.

Ғафур Ғулом Бедил ижодининг чинакам мухлиси бўлган. Унинг шеърларини севиб ёд айтар, форс тилининг гўзал оҳангларини жуда нозик ҳис этиб ўқирди. Ўзаро суҳбатларда Бедилнинг қуйма сатрларидан ёддан иқтибослар келтирарди. Умуман, унинг билимдонлиги, ҳозиржавоблигидан қойил қолишар, у билан гурунглашган киши суҳбатининг таъсиридан анчагача завқланиб юрар экан. У қозоқ билан қозоқча, татар билан татарча, уйғур билан уйғурча, тожик билан тожикча тутилмай гаплашган.

Халқ шоири турли тилларнигина билиб қолмай, кўплаб халқлар эътиқод қўйган динларни, уларнинг адабиётларини, урф-одатларини, қўшиқларини ҳам яхши билган.

Адиб асарларидаги ўткир, ширали халқона иборалар, лаҳжалар адабий тил сўз бойлигининг ортиб боришига баракали таъсир кўрсатди. Унинг катта ижодий меҳнати эвазига яратилган дурдона асарлари кўплаб халқлар тилларига ҳам таржима қилинган, уларнинг меҳрини қозонган.

Халқимиз ўзининг буюк шоирини ҳурмат билан хотирламоқда ва эъзозламоқда. Адиб ҳаёт бўлганида қутлуғ 100 ёшни қарши олган бўларди. Ўзи айтиб ўтганидай:

Танбурда бир зарбнинг
уни тинмасдан,
Йиллардан йилларга ўтар
умримиз.

Адибнинг умри у яратган маънавий хазина боис абадийдир.

*Малика РУСТАМОВА, Тошкент Давлат техника университети ўқитувчиси*

---

# ТАЪЛИМ ВА ЭКОЛОГИЯ

*Mulohaza*

Табиатни севиш ва уни муҳофаза қилиш ҳар бир инсоннинг бурчи саналади. Чунки табиат шундай гўзал ва мураккаб борлиқки, унинг гўзаллигини ҳис этмасдан, сирларини билмасдан туриб, таъсир кўрсатиш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис табиат инсонга эстетик завқ берадиган маскан бўлгани учун ҳам уни қўриқлаш, аслида ўз-ўзимизни асраш демакдир. Мамлакатимиз истиқлолга эришган илк йиллардаёқ “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам шу мақсадни кўзлайди. Юртимиз Бош қомуси билан бирга қабул қилинган мазкур қонунда атроф-муҳит, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа заҳиралар умуммиллий бойлик экани ва улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги таъкидланганки, бу ёш авлоднинг Конституцияни ўрганиши ўз навбатида табиатни ўрганиш эканини ҳам англатади. Сирасини айтганда, ёш авлодга табиатни севиш, экологияни авайлаб-асраш нақадар муҳимлигини ўз уйимизда, маҳалламизда, мактабда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида тушунтириб бориш барчамизнинг бурчимиздир.

Маълумки, таълим тизимининг пойдевори назария ва амалиётнинг бирлиги ҳамда уни турмушга татбиқ қилишда кўринади. Таълим соҳаси эса шундай соҳаки, бунда муҳим бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Бунда ҳар бир икир-чикир, арзимагандай бўлиб кўринадиган ишларга ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун мактаб партасиданоқ иқтидорли ёшларни танлаш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш, аждодларимизнинг унутилган ҳунармандчилигини такомиллаштирган ҳолда бойитиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу борада ҳар бир оила, мактаб жамоаси ёшларни меҳнатга ҳурмат билан қарашга тайёрлаш, улар кўнглида эришилган ҳар бир ютуқ қилинган меҳнат самараси эканини шакллантириш, қалбида меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш лозимдир. Дарс жараёни — таълим-тарбияда эса ўқувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч — таълим жараёни субъекти, яъни фақат эшитувчи эмас, дарс моҳиятини очиб берувчи мустақил фикрловчи кучга айланиши лозим. Бунинг учун ўқувчига мавзуларни олдиндан бериш ва фақат адабиётдан олинган фикрларга асосланиб эмас, унинг шу фанга оид эркин фикрини баён қилишга ҳам имкон яратиш талаб қилинади.

Маълумки, ҳеч бир ишлаб чиқариш соҳаси қишлоқ хўжалигидек табиат билан чамбарчас боғланмаган. Чунки қишлоқ хўжалигидаги барча чора-тадбирлар маҳаллий табиий шароитни қатъий ҳисобга олишни талаб қилади. Бу соҳада техникадан нотўғри фойдаланиш ва технологик бузилиш эса атроф-муҳитга салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шу боис бугунги кун экологик муҳити ўқувчию талабанинг бу борадаги маданиятини шакллантириб боришни тақозо этади. Талабалар онгида экологик маданиятни шакллантиришдаги лоқайдлик эса, юртимиз табиий захираларга қанчалик бой бўлмасин, ундан оқилона фойдаланмасак бу депсинишни келтириб чиқаради. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчини эҳтиёж туғдиришдан муҳит яратиш ва масъулиятни сезишга йўллаши лозим. Бунда ҳар бир дарс таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи, яъни бир-бири билан узвий алоқада бўлган учёқлама мақсад замирида ўтилади. Негаки, фаоллик бор жойда онглилик бўлади. Бундай тизимда ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам таълим-тарбия жараёнига биргаликда масъул ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўқувчию талабаларнинг экологик онгини экологик тарбиясиз шакллантириш ҳамда уни ривожлантириш мушкул масала бўлиб келаётир. Чунки бугунги кунда ҳам экологияга оид фикр-мулоҳаза ва таклифлар айтилаётганига қарамай ёшлар тарбиясини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўла очиб берилаяпти, деб бўлмайди. Аслида экологик тарбия узоқ вақт давом этувчи мураккаб ижтимоий жараён саналиб, у инсоннинг болалигидан бошланиши лозим. Шунингдек, экологик таълим ва тарбиянинг аудиториядан ташқарида амалга оширилиши ҳам муҳим жараён ҳисобланади. Яъни, экологик тарбиянинг амалга ошишида атроф-теварак — дарё, денгиз, ўрмон, дала, гулзор, тоғу боғнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ўтаётган фасл бошларида барча жойларда кўча, хиёбон, боғларни янада ободонлаштириш учун янги кўчатлар ўтқазилди. Қолаверса, “Обод маҳалла йили” муносабати билан бундай ҳаракатлар ҳар йилгидан-да кўпроқ бажарилаяпти. Лекин шу ўринда айтиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз: кўчат ўтказиш ишлари ўз вақтида, меъёрида бажарилдими? Яъни, бу жараённинг ўзига хос жиҳатини эътиборга олишда катталар ёшларга кўмаклашдими? Демоқчи бўлганимиз шуки, кўчат ўтқазишда ер доимо тобида бўлиши лозим. Чунки ер лой пайтида ўтқазилган ниҳол вақти келиб, ер қатқалоққа айлангач, ривожланмай қолади. Бу ҳолат бир қарашда кичик, эътиборга молик эмасдай туюлса-да, аслида ўқувчию талабаларда экологик маданиятни шакллантиришда ҳеч бир ҳолатни эътибордан соқит қилмаслик лозим.

Маълумки, бугунги кунда жаҳон педагогик лексикаси қаторидан “инновация” тушунчаси ўрин олиб улгурди. Экология фани ҳам бу тушунчадан холи эмас, албатта. Инновация “янгилик”, “ислоҳ” тушунчалари билан ойдинлаштирилади. Кенг маънода қараганда, таълим тизимидаги ҳар қандай ўзгариш ҳам педагогик инновация саналади. Дастлаб бу тушунчалар ижтимоий-иқтисодий ва технологик жараёнларга нисбатан қўлланган бўлса-да, ҳозирда таълим тизимидаги ҳар қандай янгиликка нисбатан ишлатилади. Педагогик технология деб аталишининг боиси ҳам шундаки, бугунги кунга келиб педагогик инноватика фани шаклланиб улгурди. Педагогик инноватикага эса педагогик янгиликлар, уларни баҳолаш ва педагогик жамоа томонидан ўзлаштириш, уни амалиётда қўллаш ҳақидаги таълимот сифатида қаралади. Педагогик технологиянинг бошқарувчанлиги шундан иборатки, бунда таълим жараёнини режалаштириш, ташхис қилиш, натижалаш, тузатиш киритиш имкониятлари мавжуд. Бу эса, таълимдан кутилган натижага эришиш ва вақтни тежаш демакдир. Баҳор кунларида бетакрор иқлимга эга мамлакатимизнинг гўзал масканларига саёҳат дарсларини уюштириш ҳам ёш авлод таълим-тарбияси, шунингдек, маънавиятини юксалтиришида ўзига хос ўрин тутади.

*Давир ТЎХЛИЕВ, ТВДПИ профессори, Эркин ТЎХЛИЕВ, Ангрен кимё саноати касб-ҳунар коллежи директори*

**Buloqlar ko‘zini berkitsak, yerlarning meliorativ holati buzilsa, eng achinarlisi, «Qizil kitob» tobora «semirib» boraversa, bular yaxshilikka olib kelmaydi.**

**Bu yilgi «Xazina» festivali ham o‘z an’anasiga sodiq qolib, o‘zbek folklor san’ati va urf-odatlarining rango-rang ko‘rinishlarini sahnaga olib chiqdi.**



*Qonun va fuqaro*

# ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

***(38-мақола)***

Табиат... Атрофимизни ўраб турган бутун гўзал олам, яшиллик, тоғлару-далалар, водийу-саҳролар, воҳаю чўллар, дарёкўллар, ариқ-зовурлару уларни буркаган ўт-ўланлар, борингки, бутун наботот олами ушбу бир сўзга жамланган. Табиат бизни озиқлантираяпти, кийдиряпти, дам олдираяпти. Шунданми, бежиз «она табиат» деб, меҳр билан айтилмайди. Аммо бугунги тараққиёт, техника-технологияларнинг ривожланиши, буларнинг натижаси ўлароқ, турли-туман заҳарли моддаларнинг кўпайиши, суюқликларнинг табиат қўйнига оқизилиши охирги пайтларда атроф-табиий муҳитга кескин таъсир этмоқда. Тўғри-да, табиатдан олсагу, унга меҳр кўзи билан боқмасак, булоқлар кўзини беркитсак, ерларнинг мелиоратив ҳолати бузилса, энг ачинарлиси, «Қизил китоб» тобора «семириб» бораверса, булар яхшиликка олиб келмайди. Бу ҳолатлар табиат муҳофазасига доир қонунларнинг амалиётга жорий қилинишини тақозо этар эди.

1992 йил 9-декабрда қабул қилинган қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Хўш, аслида табиий ресурсларнинг мулкдори ким? Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик ҳисобланиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. 2002 йил 5-апрелдаги «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, эндиликда табиат қўйнидан жой олаётган чиқиндиларнинг ҳам ҳуқуқий режими белгиланди.

Қонунда бир қатор тушунчаларга таъриф берилади. Жумладан, тупроқ, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавоси, жонли табиат каби тушунчалар ўз ҳуқуқий ечимини топган.

Юқорида айтганимиздек, қонуннинг мақсади унинг номидаёқ акс этган. Атроф-табиий муҳитнинг «асосий эгаси» давлат шу йўлда бир қатор чора-тадлбирларни белгилайди. Улардан бири — экологик экспертизанинг йўлга қўйилишдир. Давлат экология экспертизаси хўжалик қарори қабул қилинишидан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбиридир. Шунингдек, атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш, муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, қонун талаблари бажарилишини текшириб бориш мақсадида экологик назорат тадбири ҳам ўтказилади.

Қонун табиатни муҳофаза қилиш бароборида корхоналар, иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва тугатишга доир кескин талаблар қўяди. Яъни, экология хавфсизлиги талаблари бажарилмоғи, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари назарда тутилмоғи лозим. Айниқса, чиқиндиларни тўплаш, кўмиб ташлаш, йўқ қилиб юбориш қоидаларига қатъий риоя қилинмоғи шарт. Бундай талаблар фуқароларга ҳам таалуқлидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлиги белгиланади.

Қонун ўз навбатида табиатга муносабат бобида хўжалик субъектларига ва фуқароларга турли имтиёзлар ёки аксинча жазо чоралари қўллашни назарда тутади. Масалан, атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўлов ундирилиши, камчиқитли ва тежамли технологияларни жорий этганлик учун солиқ, кредит соҳасида имтиёзлар берилиши, атроф-муҳитни бузган корхоналар ва фуқаролар зиммасига уни тиклаш юкланиши, товон пули ундирилиши мумкин.

Афсуски, биз мазкур қонуннинг ижроси қай даражада, деб савол қўядиган бўлсак, жавоб беришга мулзам бўлиб қоламиз. Атроф-муҳит ифлосланаяпти, чангтўзон, саноат корхоналаридан чиқаётган кўп миқдордаги чиқиндилар, уларнинг табиат бағрига отилиши, сувларнинг ифлослиги, бир сўз билан айтганда, табиатга нисбатан «зўрлик» оқибатида, биз кўп нарсаларни юқорида айтганимиздек, «Қизил китоб»ларга жойлаяпмиз. Айрим нарсаларни ҳатто энциклопедиялар, луғатлар орқали билаяпмиз. Тубсиз ва жавобсиз саволлар — қаёққа қараб кетаяпмиз??? Эй яхшилар, кўзимизни очайлик, ўзимизга ва атрофимизга меҳр билан қарайлик, дея сўзимизни якунлаймиз.

***Миродил БАРАТОВ, Шоира ЮЛДАШЕВА***

# ПРОКУРАТУРА ТАҲЛИЛ ҚИЛАДИ

**Республика Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Комиссия йиғилишида Меҳрибонлик уйларида, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар махсус муассасаларида таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ҳақидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, уларга таълим-тарбия бериш аҳволи муҳокама қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 360-сонли қарорига кўра, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари фаолияти ўрганилиб, муайян ижобий ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.**

**Андижон шаҳридаги «Шерзод» спорт клуби 500 дан ортиқ вояга етмаганларни, 60 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ўзига жалб этган бўлса, шаҳар ва туманлардаги «Ёшлар марказ»лари эса тарбияси оғир болаларни касбга йўналтирмоқда ҳамда спорт билан шуғулланишларини таъминламоқда.**

**Наманган вилоятида боқувчисиз қолган ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул дарсликлар ва кийим бошлар берилган бўлиб, ХТБнинг «Мураббий» жамғармаси ҳисобидан улар учун омонат дафтарчалари ҳам очилган. Мазкур вилоятда мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш мақсадида 300 млн. сўм маблағ сарфланиб ташкил этилган ҳуқуқий хоналар тегишли адабиётлар билан таъминланган. Фарғона вилоятида вояга етмаганларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш борасида Марғилон шаҳар истироҳат боғидаги болалар спорт зали 1,5 млн. сўмлик маблағ билан қайта таъмирланиб, унда ўқувчилар учун барча шароитлар яратилди.**

**Шундай бўлса-да, бир қатор моддий-техник жиҳатдан таъминлаш борасида, таълим-тарбия беришда қонун бузилиши ҳолларига барҳам берилмаганлиги, мутасадди ташкилотларнинг бу йўналишдаги фаолияти етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги каби айрим камчиликлар ҳам учраб туради. Йиғилиш сўнгида мана шундай, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳақида сўз бориб, самарадорликни ошириш юзасидан тадбирлар белгилаб олинди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.**

***Азиз НОРҚУЛОВ***

*Festival*

# “ХАЗИНА”ДАН ХАЗИНА ИЗЛАБ...

Ҳар бир халқнинг менталитети бор, бу айниқса, ўзбек халқида кучли. Йиллар ва улардан ҳосил бўлувчи асрлар оша шаклланиб, такомиллашиб ва замонавийлашиб келаётган урф-одат ва анъаналарда ўзбек халқининг турмуши, феъл-атвори, ўзлиги бутун бўйбасти билан намоён бўлиб турибди. Зеро, ўзбек деган миллатнинг фақат ўзига хос расм-русумлари авлоддан авлодга «сакраб» ўтиши керак. Бу эса ёшларнинг ўз отабоболари ва момоларидан расмрусум ҳамда анъаналарни қай даражада ўзлаштириб олишларига боғлиқ бўлади.

“Хазина” — ана шундай мақсадда ташкил қилинган фестивал. У 1999 йилдан бери ҳаракатда. Ўша йили у “Ниҳол” номи билан саҳнани титратган, республикамиздаги кўплаб олий таълим муассасалари талабаларининг театр студиялари жамоаларини бир-бири билан беғараз, дўстона беллашувга чорлаган эди. Келаси йили эса “Хазина” саҳнага чиқди. Шу тариқа «Ниҳол» билан “Хазина” ҳар йили ўрин алмашадиган бўлди.

Бу йилги “Хазина” фестивали ҳам ўз анъанасига содиқ қолиб, ўзбек фольклор санъати ва урфодатларининг ранго-ранг кўринишларини саҳнага олиб чиқди. Уларнинг ижрочилари ҳар галгидек олий таълим муассасалари талабалари бўлиб, жамоалар сони



20 дан зиёд эди. 550 дан ортиқ ижодкор, жамоатчи ҳамда қобилиятли ёшлар фестивалига жалб қилинди. Унинг негизига эса, Ватанга муҳаббат, она, аёл муқаддаслиги, оиладаги устун куч, ёш авлод тарбиясидаги мукаммаллик, илм-фанга, анъаналаримизга, урфодатларимизга, маданиятимизга ҳурмат-эҳтиром ғоялари сингдирилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик Саидаҳрор Ғуломов беш кунлик фестивалнинг шунчаки тадбир эмаслигига урғу бериб, унинг жуда катта аҳамиятга эга эканлиги хусусида гапирди. Айни пайтда фестивал истеъдодли ёшлар учун ҳам бир кўрик вазифасини ўтайди, деди жумладан, вазир.

Дарвоқе, ушбу фестивал ташкилотчилари ва таъсисчилари қаторидан ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон Миллий университети жой олиб келади.

25 апрелга қадар давом этган фестивал Ўзбекистон Миллий университети маданият саройини томошабинларга тўлдирди, десак сира муболағаси йўқ. Куй-қўшиққа омухта саҳна кўринишларида бир қарашдаёқ ўзбек халқининг асрлардан асрларга ўтиб келаётган урф-одатлари мужассам эди. Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари ижросидаги “Алла” оҳангидан Фарғона давлат университети жамоасининг “Ҳашар”и қолишмас эди. Тошкент давлат санъат институти ёшлари саҳнага олиб чиққан “Тўй” асарида ўзбек тўйларининг “бўлади-бўлади”си чиройли акс эттирилганига тан берган томошабинлар Самарқанд давлат университети жамоасининг “Чет эллик куёв”ига ичаклари узилгудек кулишди. Жиззах политехника институти «Шарқ бозори» орқали кўриниш бергач, гўёки Тошкент архитектура-қурилиш институти “Мозийдан садо” асари билан мавзуни тўлдирди.

Фестивал душанбадан жумага қадар давом этди. Ҳар бир кун, таъбир жоиз бўлса, ҳаяжонли кечди. Унга тақдим этилган саҳна кўринишлари вилоятлар миқёсида махсус кўрикдан ўтиб, кўп бора репетиция қилиниб, муносиб деб топилгачгина фестивал ҳакамлар ҳайъатига, қолаверса, томошабинларга тақдим этилди. Асосий мақсад, ғолиблик эмас, балки ёшлар қадриятларни қай даражада эгаллаб олаётганини кўрсатиш эди.

Дарвоқе, жамоалар бир-биридан қолишмайди. Унда илк бор қатнашган Қўқон давлат педагогика институти талабаларининг “Оқ момолар” постановкасида фонограммдан эмас, жонли ижродан фойдаланилгани ташкилий қўмита томонидан юқори баҳоланди. Институтнинг маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректори Рашидхон Шукуров бизга берган интервьюсида “Оқ момолар” устида роппа-роса уч ой ишлаганликларини таъкидлади.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган охирги кун... Ҳамма ҳам умидвор, ҳамма ҳам меҳнат қилган, тер тўккан. Ўринлар ва номинациялар эса саноқли. Тўғрисини айтганда, тақдим қилинган саҳна асарларининг бир-биридан кам жойи йўқ эди. Аммо сараларни ҳам барибир саралаш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, синчков ҳакамлар ҳайъати Фарғона давлат университети жамоасининг “Ҳашар” номли асарини биринчи ўринга муносиб деб топган бўлса, худди шундай омадга Тошкент Ислом университетининг “Гўзал урф-одат — асл қадрият” саҳна асари ҳам сазовор бўлди. Шунингдек, ғолиблар сафидан Қўқон давлат педагогика институти, Термиз давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Ўз ДЖТУ, СамДУ, ТДТУлари жой олишдики, аслида бу бошқа жамоалар улардан паст даражада дегани ҳам эмас. Гап, бундай катта тадбирнинг уюшқоқлик билан ўтишида ва талабаларнинг бирбири билан дўстлашувида, истеъдодларнинг кашф қилинишида.

Бундан ташқари, 10 та номинация ғолиблари ҳам аниқланиб, уларга-да совғалар топширилди. Ҳакамлар ҳайъатининг махсус номинациялари бўйича яна бир қанча жамоалар тақдирланишди.

Фестивал — бу аввало халқимиз қадриятларини йўқотмасликка, аксинча тиклашга бир чорлов. Фестивал — бу кўплаб ёшларнинг бирикуви. Фестивал — истеъдодлар кашфи. Демак, фестивал руҳи унинг иштирокчилари қалбида узоқ йиллар сақланади.

***Ҳ.ТЎЙМАНОВА,***
***“Маърифат” мухбири***
***Суратда: фестивалдан бир лавҳа.***


# Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти аъзолари диққатига

**Шу йилнинг 15 май куни Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг конференцияси ўтказилади.**

Конференциянинг кун тартиби:
1. Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг уч йиллик фаолиятига доир ҳисобот.
2. Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг кейинги фаолияти ва унинг тузилишига баъзи ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
3. Ташкилий ва турли хил масалалар.

Конференция хусусидаги қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз.

**Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони — 5.**

**Телефонлар: 1391731, 1398861**


*“Yashil chiroq-2003”*

# 15 ЙИЛЛИК ЎЙИН

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 33-ўрта умумтаълим мактаби жамоаси “Яшил чироқ” ўйинида вилоятда биринчи ўринни олиб, Республика мусобақасида фарғоналик тенгқурлари билан беллашадиган бўлишди. Мактабда “Яшил чироқ” ўйинига 1988 йилда асос солинган. Ўшандан буён ўқувчилар туман, вилоят, республика мусобақаларида иштирок этиб келишади. Физика фани ўқитувчиси, жонкуяр муаллим Расул Қаюмов фидоийлиги боис, ўқувчилар йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўзлаштириб олиш билан бирга билимларини ҳам намойиш этмоқдалар.

Шундан бўлса керак, “Ёш автоинспекторлар”жамоаси бир неча йилдан буён туман ва вилоятда пешқадамлик қилишади.

— “Яшил чироқ” телевизион ўйинининг Республика босқичи ўқувчилардан яхши тайёргарлик, чуқур билим ва зийракликни талаб этади, — дейди Расул Қаюмов. — Ўйинда ўқувчилар асосан пиёдалар, велосипед, транспорт воситалари ҳаракати, темир йўл кесишмаси, автомобил ҳаракати натижасида жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатишга оид саволларга аниқ ва равон жавоб беришлари керак. Айни пайтда жамоа вакиллари бўлган ўқувчилар ўйинга пухта тайёргарлик кўришмоқда.

Албатта, оддий қишлоқ мактабида шаклланган жамоани тайёрлаш, ўқувчиларга шароит яратиб бериш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда мактаб маъмурияти ва туман ХТБ раҳбарлари хизматлари каттадир.

***Рустам БОЙНАЗАРОВ,***
***33-мактабнинг нафақадаги ўқитувчиси***



*Ehtirom*

# БАДИИЙ БЕЗАКЛИ СУРАТЛАР ТАРБИЯЛАЙДИ

***фахрий рассом безатувчи Т.Холмуҳаммедов шундай фикрлайди***



Санъатга ошно қалб ёмонликдан йироқ бўлади. Болалигидан санъатни қалбига жо тутган Турсунпўлат Холмуҳаммедов ҳам ҳамон бу гўзаллик билан ошно. Узоқ йиллар болаларнинг севимли «Ғунча» журналида бадиий безаш муҳаррири сифатида фаолият юритган Т.Холмуҳаммедовнинг меҳнати ўз қадрини топиб келаётир: у мамлакатга мусаввир, ҳикоянавис, республикада хизмат кўрсатган журналист номи билан танилди. У бугун қалбида эзгулик уруғи унишида ёшлигидан Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров билан бирга ўқувчилар саройининг расм тўгарагига қатнашгани бароборида Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Шароф Рашидов ва бошқа адиблар билан бўлган кўплаб мулоқотлари ҳам сабаб бўлганини эътироф этади. Болалар матбуотида қирқ йилдан зиёд вақт самарали меҳнат қилган Т.Холмуҳаммедов, ҳамон сурат чизгилар орқали камол топаётган ёш авлодни эстетик тарбиялашга ҳаракат қилиб келаётир. У чизган суратларни томоша қилган киши рассомнинг болажонларга бўлган меҳр-муҳаббатини сезади. Унинг болаларнинг турли вазиятдаги ҳолатларини ёрқин кўрсатишга, уларни гўзаллик ва нафосат асосида тарбиялашга интилганини кўриш мумкин. Бу эса ижодкорнинг болалар даврасида кўп бўлиши, улар билан давра суҳбатларида ёш дилларга йўл топа билиши, керак бўлганда кичкинтойлардек фикр юрита олишининг далилидир. Шу боис ҳам у мазкур хизматлари учун халқ таълими аълочиси унвонига сазовор бўлди.

Рассом ҳузурига мактабларнинг ўқитувчилари, болалар муассасаларининг тарбиячилари иқтидорли ўғил-қизларнинг чизмаларидан намуналар келтириб, улардаги расм чизишга бўлган қизиқишни ошириш, куртак отаётган қобилиятларини шакллантириш хусусида маслаҳат сўраб, мурожаат қилиб келиб туришади. Т.Холмуҳаммедов болалар чизган ҳар бир суратни эътибор билан қараб чиқади, бу борада ўз тавсияларини беради.

Турсунпўлат Холмуҳаммедов бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. Унинг кичкинтойлар ҳаётидан ёзилган ҳикоялари болалар матбуотида тез-тез чиқиб туради. Айниқса, унинг қаламига мансуб “Олмахон” ҳикоялар тўплами ва “Ёшлик” альманахида ёритилган ҳикоялар туркуми ёш китобхонлар эътиборини қозонди.

Бир сўз билан айтганда, у тасвирий санъат асарлари билангина эмас, сўз санъати ижоди билан ҳам ёш ўғил-қизларни тарбиялашга ҳисса қўшиб келаётир. Уни таниган ва билганлар бугунги кунда ўз умрининг етмиш баҳорини қаршилаётган заҳматкаш ижодкорга бу эзгу хизматдан ҳечам ҳорманг дейишади.

***Ш.НИШОНОВ***

# ПЕДАГОГ КАДРЛАРГА ЭҲТИЁЖ БАЛАНД



Жамият тараққиётининг барча босқичларида ҳам педагог кадрларга эҳтиёж бўлган ва бу масала ҳамма вақтда турлича кўринишда таҳлил қилинган. Республикамизда педагог кадрларни тайёрлашга бизнинг билим юртимиз ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Айниқса ўтган давр ичида ҳар томонлама жипслашиб улгурган педагогик жамоамиз ёшларнинг "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида ҳамда Давлат таълим стандартлари .доирасида илм-фан сирларини мукаммал ўзлаштиришлари йўлида доимий изланиб келмоқда.

Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика билим юртимиз 1967 йилда ташкил этилган. Ўша вақтда Республика мусиқа билим юрти деб юритилган. Даставвал мактабгача тарбия муассасаларига мусиқа раҳбарлари тайёрланган. 1971 йилда билим юртига "Республика мусиқа ва мактабгача тарбия билим юрти" мақоми берилган. Шу йилдан бошлаб янги ўқув режаси асосида битирувчилар икки мутахассислик болалар боғчасида мусиқа раҳбари ва мактабда мусиқа ўқитувчиси мутахассислигини ола бошлаган. 2001 йил 12 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг 253 сонли қарорига асосан Ю.Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежига айлантирилди. Ҳозирда билим юртимизда 3 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Мусиқа тарбияси бўлимида 319 нафар ўқувчи, жисмоний тарбия бўлимида 222 нафар, мактабгача тарбия бўлимида 45 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Шу билан бир қаторда жисмоний тарбия ва мусиқа тарбияси бўлимларида рус гуруҳлари ҳам мавжуд. 2002 йилдан бошлаб жисмоний тарбия бўлимида сиртқи бўлим очилиб, биринчи марта талабаларни қабул қилдик. Бу бўлимнинг очилишига сабаб мактабларда биз тайёрлаётган кадрларга эҳтиёжи баланд эканлигидан далолатдир. Яна шуни айтиш лозимки,бу 2003-2004 ўқув йили учун, "Мактабгача таълим тарбияси ва чет тили ўқитувчиси» мутахассислиги бўйича талабалар қабул қилмоқчимиз. Коллежимизда бугун 588 нафар талаба тахсил олаётган бўлса, уларга 115 нафар ўқитувчи таълим- тарбия бермоқда.

Булар ичида 2 нафар фан номзодлари ҳам фаолият юритмоқда.

Коллежимиздаги эркин фикрга эга бўлган истеъдодли ёш кадрларни ҳам жалб қилганмиз. Бунинг боиси ўсиб келаётган ёш авлодни биздан кўра улар яхшироқ тушуниб, талабалар билан ҳамфикр бўла олади. Миллий дастурдан келиб чиққан ҳолда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш ҳамкорлик маркази" билан ҳамкорликда ишламоқдамиз. Бунинг бизга берадиган самараси шундаки олимларимизнинг янги қўлланмалари билан бевосита танишиб борамиз. Ҳамда университет талабалари бизнинг билим юртимизда амалиётни ўтайди. Ўзини яхши кўрсатган ёш талаба кадрларни бевосита ишга жалб қиламиз..



Педагогика фанининг ҳозирги долзарб муаммоларидан бири мусиқа ўқитувчисининг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришдир. Сабаби ёш авлодни мусиқий жиҳатдан юқори даражада тарбиялашни амалга ошириш учун мусиқа ўқитувчисини ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган, таълим- тарбия жараёнининг замон талаби асосида олиб борадиган қилиб тайёрлаш зарур. Бу муаммо жуда кўп қиррали бўлиб, унинг асосий соҳаларидан бири педагогик амалиётдир.

*Kollejlar hayotidan*

Педагогик амалиёт билим юртимизда таълим-тарбия жараёнининг энг муҳим бўғинидир. Педагогик амалиёт жараёнида назарий билимлар аниқланади ва мустаҳкамланади, касбга доир малака ва кўникмалар эгалланади.

Шунинг учун биз шаҳримиздаги 7 та мактабгача таълим муассасалари ва 14 та мактабларда шартнома асосида амалиёт ишларини олиб борамиз.

Ҳозирда Республикамизда инклюзив таълим тизими жорий қилинмоқда, шунинг учун 2002-2003 ўқув йилида биз ҳам бу тизимни коллежимизда синаб кўраяпмиз.

Талабаларга замон талабларига мос ҳолда дарс бериш учун замонавий компьютер зали ишлаб турибди. Бу йил интернет тармоғига уланиш учун ишлар олиб борилмоқда. Бу ёшларимиз онгини ўстиришда муҳим рол ўйнайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун коллежимизда Республикамизнинг турли худудларидан талабалар таҳсил олмоқда. Улар учун ҳар томонлама жиҳозланган 200 ўринга мўлжалланган ётоқхонамиз мавжуд. Бу ерда шарт-шароит яратилган. Яна шуни таъкидлаш лозимки, бизнинг билим юртимизни тамомлаган талабалар бугун Республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият олиб бормоқда.

***Дилором РАҲИМОВА,***
***Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи директори, Халқ таълими аълочиси***

# СИФАТ БОСҚИЧИ

**Бугун талабаларга жаҳон талабларига мос келадиган ўқув системасини жорий қилиш педагогларнинг олий мақсадидир. Шунинг учун коллежимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичини амалга ошириш учун талайгина ишлар қилинмоқда. Айни пайтда 93 нафар ўқитувчиларимиз ўз малакаларини доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларида ўз маҳоратларини оширди. Бундан ташқари, Низомий номидаги Тошкент педагогика университетининг «инновацион технология» кафедраси олимлари билан янги пед технология мавзусида семинарлар ўтказилмоқда.**

**Йилдан-йилга коллежимизга шижоатли ёшларнинг келаётгани ва уларга тахсил беришнинг мукамаллашиши эътиборга олинмоқда.**

**Ўтган йили мусиқа бўлимига саралаш 90 балл бўлди.**

**Жисмоний тарбияга қабул қилиш 88 баллни кўрсатди.**

**Мактабгача таълим бўлимида кириш 70 баллни ташкил этди.**

**Бугун коллежимизда Республикамизда кўзга кўринган университетлар билан ҳамкорлик ўрнатилган. Бунга мисол қилиб Низомий номидаги Тошкент педагогика Университетининг мусиқа факультети билан ўрнатилган ҳамкорликни айтиш мумкин. Ўқитувчиларимиз Ўзбекистон консерваториясида малакаларини оширмоқда.**

***Насиба ЙЎЛДАШЕВА,***
***ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари***

# КОЛЛЕЖДА КУТУБХОНА ЎРНИ

Мустақил тараққиётимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, комил инсон шахсини тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган.

Янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали комил инсонларни вояга етказишга юксак эътибор берилмоқда.

Соғлом авлодни тарбиялаш маъсулияти биз халқ таълими ходимларининг ҳам бурчимиздир.

Коллежимиз кутубхонаси ҳам ўқув йили давомида ўқув жараёнини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш учун бор имкониятларни ишга солди. Талабаларни янги ўқув қўлланма ва дарсликлар билан таъминлаш Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ва Тошкент ЎМКҲТ бошқармаси томонидан катта ёрдам кўрсатилмоқда. Кутубхонанинг умумий китоб фонди 33456 нусхада. Бу ўқувчиларга кенг имконият дегани.

***М. НИЁЗМУҲАМЕДОВА,***
***кутубхона мудираси***



## ТЎГАРАКЛАР ФАОЛИЯТИ

*Коллежда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкиллаштириш учун мунтазам равишда турли-хил тўгараклар ишлаб турибди.*

*"Ўзбек халқ чолғу ансамбли", "Дуторчилар тўгараги", "Ёш хонандалар", "Жамоа қўшиқчилиги" тўгараклари шулар жумласиндандир.*

*Спорт тўгаракларидан "Миллий кураш", "Белбоғли кураш", "Енгил атлетика" ва "Гимнастика" тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.*

# СОҒЛОМ ҲАЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Бугунги кунда коллежимизда 315 та вояга етмаган ёшдаги болалар таълим олмоқда.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш» ҳақидаги 360-сонли қарори, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг 2000 йил 26 сентябрдаги 191-сонли буйруғи, Тошкент шаҳар ЎМКХТ Бошқармасининг 2000 йил 9 январдаги 9-рақамли буйруқлари бўйича бу ижро таъминланмоқда.*

*Вояга етмаганларнинг бўш вақтларини қизиқарли ва мазмунли ташкиллаштириш мақсадида улар билим юртидаги тўгаракларга жалб этилган. Улар орасида хуқуқий тарбияни кучайтириш мақсадида билим юрти ҳуқуқий идоралар, прокуратура ходимлари билан мунтазам равишда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилиб борилмоқда.*

*Вояга етмаган ўқувчилар орасида соғлом ҳаётни тарғиб қилиш мақсадида "Наркомания, чекиш, ичиш — соғлиққа зарар", "Гиёҳвандлик XXI аср вабоси" мавзуларида тарбиявий соатлар, учрашув ва суҳбатлар мунтазам равишда олиб борилмоқда. Бундай тадбирларга тиббиёт ходимлари, маҳалла оқсоқоллари ва бошқа мутахассислар таклиф этилмоқда.*

*Билим юртида таълим олаётган вояга етмаган ёшлар орасида 7 та етим ва ногирон болалар бор. Бу болаларга маъмурият томонидан моддий ва маънавий ёрдам доимий равишда кўрсатиб борилмоқда.*

***Холида ПИРНАЗАРОВА,***
***Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари***

## СПОРТДАГИ ЮТУҚЛАР

**Бугун коллежнинг жисмоний тарбия бўлимида 2 нафар фан номзоди ва 12 нафар олий тоифали ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Талаба ўқувчиларимиз республикамиздаги кўплаб мусобақаларда иштирок этмоқда. Ушу бўйича Республика 4-очиқ чемпионатида 1-ўрин колежимиз талабаси К.Рамазоновга насиб этди. Қўл жанги бўйича ўтган халқаро турнирларида Х.Каримов 3- ўринни эгаллашди. Миллий якка кураш бўйича вилоят кубогида 3 Тожибоев шарафли ўринни олди.**

**Бокс бўйича Ф.Қодиров, Б.Акрамовлар шаҳар терма командасида шуғулланаяпти.**

**"Баркамол авлод" спорт мусобақаларида ҳам ўқувчиларимиз фаол қатнашмоқда.**

**Шаҳар босқичида бу йил кураш бўйича 1-ўринни, миллий кураш бўйича 2-ўринни, қўлга киритдик.**

**Булардан энг сараланган ўқувчилар белбоғли кураш бўйича А.Турсунов, Н.Йўлдошев, А.Сатимов, С.Носиров, Н.Тохировлар финал босқичига бориш учун йўлланмаларни қўлга киритди.**

***Бахром ИКРОМОВ,***
***Жисмоний тарбия бўлими бошлиғи***

***Материалларни Шерзод АҲМАТОВ тайёрлади.***

---

## ТАРИК АЗИЗ: САДДАМ ҲУСАЙН ТИРИК

**Иттифоқчилар томонидан қўлга олинган ва айни пайтда сўроқ қилинаётган Ироқнинг собиқ вице-премьери Тарик Азизнинг айтишича, Саддам Ҳусайн ва унинг ўғиллари тирик. 19 мартдан 7 апрелга қадар уларни йўқ қилиш мақсадида тахминий объектларга ҳаво зарбалари берилган бўлса-да, лекин Ҳусайнлар оиласи ундан омон қолганлар. Тарик Азиз бомбардимонлардан сўнг Саддам Ҳусайнни кўрганлигини урғуламоқда. Сўроқлар давомида Тарик Азиздан қимматли маълумотлар олинишига умид билдирган АҚШ марказий қўмондонлиги бошлиғи генерал Томми Френкснинг айтишича, Саддам Ҳусайн ва унинг ўғиллари тақдири хусусида ҳозирча аниқ маълумот йўқ. Тарик Азизнинг билдирган фикрлари ўз исботини топиши учун эса маълум бир муддат вақт керак бўлади. Ундан аввалроқ эса Ироқ миллий конгресси раҳбари Аҳмад Чалаби ҳам Саддам Ҳусайннинг тириклиги ҳақида гапирган эди.**

## ПЕНТАГОН: ИРОҚДА 125 МИНГ АСКАР ҚОЛАДИ

**«USA Today» газетасининг ёзишича, Ироқдаги хавфсизликни таъминлаш учун бу мамлакатда Американинг 125 минг кишилик армияси қолади. Агарда бир йил давомида барқарорлик сақланиб турса, контингент сони 60 минггача қисқариши мумкин. Аксинча, вазият кескинлашадиган бўлса, аскарлар сони оширилади. Кузатувчиларнинг фикрича, 125 минг кишилик қўшиннинг Ироқда қолдирилиши янги ҳукумат тузилиб, иш бошлашида хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади. АҚШ марказий қўмондонлиги бошлиғи, Ироқ урушига бошчилик қилган генерал Томми Френкс фикрича, бу ҳали америкаликларнинг Ироқдаги иштироки борасида якуний хулоса эмас. Қўшма Штатлар Ироқ урушида 264 минг аскари билан иштирок этган бўлиб, айни пайтда Боғдодда 20 минга яқин, Басра шаҳрида эса 17 минг Америка аскарлари турибди.**

## ПУТИН ВА БЛЭР УЧРАШУВИ

**Кеча Москвада Россия президенти Владимир Путин ва Буюк Британия бош вазири Тони Блэр ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда икки давлат раҳбарлари ҳарбий операциялардан сўнг, Ироқдаги тикланиш жараёнларини, хусусан бу жараёнда БМТ ролини ошириш масаласини муҳокама этдилар. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари саналган Лондон, Москва қарашлари Ироқ борасида турлича бўлса-да, лекин, умумий хавфсизлик, Ироқда барқарорликка эришиш борасида бир-бирларини тўлдиради. Шунингдек, музокаралар чоғида икки томонлама ҳамкорликлар, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш, жаҳон ҳамжамиятида БМТ таъсирини янада кучайтириш ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.**

## МУНОСАБАТЛАР ЯХШИЛАНМОҚДА

**Покистон бош вазири Зафарулло Жамоли ва унинг ҳинд ҳамкасби Атал Бихари Важпаи ўртасида бўлиб ўтган телефон мулоқоти Деҳли — Исломобод ўртасидаги кескин вазиятнинг юмшашига хизмат қилди, дея хабар беради «Рейтер» агентлиги. Ҳиндистон бош вазирининг тинчлик музокараларини бошлаш тўғрисидаги таклифига миннатдорчилик билдириш мақсадида Зафарулло Жамолининг телефон қилиши, икки давлатнинг юқори мартабали кишилари ўртасидаги биринчи мулоқот саналмоқда. Кашмир штати туфайли икки давлат муносабатлари кўп йиллардан буён ёмонлашган бўлиб,1,5 йил аввал вазият уруш чегарасигача бориб етган эди. Ўтган ҳафтада эса сўнгги 16 йил ичида илк маротаба Кашмирга келган Ҳиндистон бош вазири тинчлик музокараларини бошлаш лозимлигини таъкидлаганди.**

# ВЬЕТНАМДА ПНЕВМАНИЯГА ДАВО ТОПИЛДИ

***мамлакатимизга вирусли хасталик кириб келишининг олдини олиш мақсадида қандай ишлар бажарилмоқда?***

Шу ҳафтанинг душанба куни Вьетнам ҳукумати вакиллари томонидан номаълум пневманияга қарши даво топилганлиги маълум қилинди. Ушбу маълумот Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари томонидан ҳам тасдиқланди. Шундай қилиб, Вьетнам юзлаб кишилар ёстиғини қуритаётган хавфли инфекциянинг даволаш имкониятини амалда исботлаган илк давлат сифатида эътироф этилмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Вьетнамга қилинадиган саёҳатларни чегаралаш билан боғлиқ барча тавсиялар бекор қилинди. Бундай қарор қабул қилинишининг сабаби сўнгги 20 кун ичида ушбу давлатда юқумли вирусли хасталикка чалинган беморларнинг қайд этилмаганлиги ҳамда зарарланганлар сонининг кескин қисқариб бораётганидир. Халқаро ташкилот мутахассислари томонидан таъкидланишича, айни пайтда ўткир юқумли вирус хасталиги Канада, Сингапур, Гонгконг ҳамда Хитой давлатларида кенг тарқалмоқда.

SARS дея номланаётган вирус хасталиги айни пайтда дунёнинг 27 давлатида ўз таъсирини сақлаб, жаҳон ҳамжамиятида жиддий хавотир уйғотмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари томонидан берилган маълумотларга қараганда, бугунги кунда жаҳонда ушбу вирус таъсирида касалланган 317 нафар киши ҳалок бўлди, жумладан Хитойда 131 нафар, Гонконгда 133 нафар.

«Рейтер» ахборот агентлиги томонидан берилган маълумотларга кўра, номаълум хасталик билан ҳозирча 5,2 минг киши азият чекмоқда. Чунончи, шуларнинг 343 нафари канадаликлардир. Шу боис, келгуси ҳафтада Канаданинг Торонто шаҳрида ушбу муаммога бағишланган бутун дунё соғлиқни сақлаш мутахассислари иштирокида йирик халқаро анжуман ўтказилиши режалаштирилмоқда.

«Франс пресс» ахборот агентлиги маълум қилишича, эпидемия туфайли жаҳон иқтисодиётида 30 миллиард АҚШ доллари миқдорида йўқотиш кузатилмоқда.

Кўпгина йирик аэропортларда SARS билан касалланган беморларни аниқловчи махсус аппаратлар қўлланилмоқда. Афсус билан айтиш лозимки, кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, ушбу хасталик тез суръатлар билан тарқалишда давом этмоқда ва у билан хасталанган беморларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу боис, Хитой, Гонконг, Сингапур ва Канада давлатларига хориждан сайёҳларнинг ташрифи юзасидан чекловлар белгиланган ва бу мамлакатларга зарурий эҳтиёжлардан ташқари бормаслик тавсия этилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ушбу юқумли вирус хасталиги кириб келмаслигининг олдини олиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Б.Маткаримовнинг таъкидлашича, айни пайтда республикамизда ушбу хасталик билан оғриган беморлар қайд этилмади. Бугунги кунда жануби-шарқий Осиё давлатлари, шунингдек, қатор Европа давлатлари ва Америка Қўшма Штатларида вазиятнинг кескин ривожланаётганлиги унинг мамлакатимизга кириб келиши учун ҳамон хавф туғдирмоқда. Инчунун, хориждан мамлакатимизга ҳаво ҳамда темир йўллари орқали ташриф буюраётган сайёҳ-йўловчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, улардаги мавжуд касаллик аломатларини ўз вақтида аниқлаш ва унинг олдини олиш бўйича Тошкент халқаро аэропорти, темир йўл шоҳбекатларида санитар-назорат пунктлари фаолияти кучайтирилди. Шунингдек, Тошкент аэропорти экипажлари ва борт кузатувчилари учун ушбу касалликнинг асосий аломатлари, парвоз вақтида касаллик белгилари аниқланган йўловчилар билан ўтказиладиган зарурий профилактик чоралар бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди.

Айни пайтда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида доимий фаолият кўрсатувчи эпидемияга қарши штаб ташкил қилинди. Барча тиббиёт муассасалари раҳбарларига номаълум пневмания касаллиги аломатлари кузатилган беморлар ёки ушбу хасталик белгилари тахмин қилинган шахслар хусусида зудлик билан штаб мутахассисларига ахборот бериш зарурлиги белгиланди. Шу билан бирга, тиббиёт ходимлари шахсий хавфсизлигини ҳимоя қилиш, беморга ташхис қўйиш, профилактик ва даволаш ишларини олиб бориш юзасидан махсус ўқишлар ташкил этилди.

Шу йилнинг 24 апрел куни эса Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат санитария бошқармаси томонидан махсус қарор қабул қилинди. Унга кўра, мамлакатимиз аҳолиси саломатлиги учун таҳдид туғдираётган хавфли пневмания касаллигининг хориж давлатларидан кириб келмаслиги ва унга қарши кураш чора-тадбирлари режаси тасдиқланди ҳамда шу асосда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари Халқ таълими, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, қатор инфратузилмалар раҳбарларидан ушбу режада белгиланган бандларни бажаришда фаоллик кўрсатишларини сўрайди.

Шунингдек, Республика Соғлиқни сақлаш мутасаддилари кенг жамиятчиликни номаълум пневмания хасталиги рўйхатга олинган ва кенг тарқалаётган Хитой, Сингапур, Гонконг ва, бошқа давлатларга эпидемик ҳолатнинг барқарорлашувига қадар хизмат юзасидан ёки туристик саёҳатларга бормасликни тавсия этади.

***Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ***

# ТЕРМА ЖАМОА ФАРҒОНАГА БОРАДИ

*Спорт иродани мустаҳкамлайди, дейди доно халқимиз. Спорт билан шуғулланадиган кишилар руҳан бардам, жисмонан тетик бўладилар. Ота-боболаримизнинг кураш ва кўпкари сингари спорт турлари билан севиб шуғулланишлари ҳам бежизга эмас, албатта. Мустақил диёримизда ҳам шундай миллий ўйинларимизга, умуман жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, ёш авлодни соғлом тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Тошкент Солиқ коллежида ҳам ёшларнинг спортга қизиқишни ошириш мақсадида, «Қўл жанги» деб номланган мусобақа бўлиб ўтди. Тўрт вазн тоифасида ўтказилган ушбу мусобақа, қизғин беллашувларга бой бўлди. Ниҳоят, 55 кг. вазнда И. Ли, 60 кг. вазнда Д.Бекбергенов, 65 кг. вазнда Д.Алиев, 70 кг. вазнда Ж.Нуриддиновлар ғолиб деб топилдилар. Мусобақадан сўнг терма жамоа тузилиб, ҳарбий коллежлар ўртасида Фарғонада бўлиб ўтадиган мусобақага тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.*

***М.ИСРОИЛОВА,***
***Солиқ коллежи ўқитувчиси***

## КУЧЛИЛАР ФИНАЛДА

*Quvnoq startlar*

**XX Республика "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақаларининг ярим финал беллашувида Сурхондарё вилоятининг Музработ туманидаги 9-мактабнинг "Фазогир" ва Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 64-мактабнинг "Қиёт" жамоаси аъзолари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Дастурнинг 8 та ўйин ва эстафеталаридан 5 тасида қорақалпоғистонликлар ғолиб чиқишди. Улар ўйиннинг бошиданоқ ташаббусни қўлларига олиб, кетма-кет уч учрашувда ("Моҳир акробатлар", "Ўйла, изла топ", "Мураккаб эстафета") ғалаба қозонишди.**

**"Фазогир" жамоаси аъзолари ҳам учрашувга яхши ҳозирлик кўришганини намойиш этишди. Улар учта баҳсда ("Балли, қизлар", "Чопқир болалар" ва "Арқон тортиш") ғолиб чиқишди. Айниқса, хоккейчи қизлар ва арқон тортиш беллашувлари ҳаяжонли курашлар остида ўтди.**

**Қизиқарли ва мароқли учрашувда 18:14 ҳисобида ютуққа эришган "Қиёт" жамоаси финалга чиқди.**

***Ғ.МАННОПОВ***

## ЎҚУВЧИЛАР АНЖУМАНИ

*Сиёб туманидаги 21-ўрта мактабда 1-4-синфлар ва 5-11-синфлар ўртасида «Аълочи ва иқтидорли ўқувчилар анжумани» ўтказилди.*

*Анжуманга 8 март ва Муборак маҳаллалари, туман ҳокимлиги ҳамда туман халқ таълими бўлимидан меҳмонлар ташриф буюрдилар.*

*«Аъло ўқишим, намунали хулқим, қобилиятим сенга — жонажон Ватан» шиори остида ўтказилган тадбирда 300 дан ортиқ аълочи ўқувчилар иштирок этди.*

*Анжуман ниҳоясида аълочи ва иқтидорли ўқувчиларга фахрий ёрлиқлар топширилди.*

*Bir maktabdan ikki xabar*

## КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўқувчилар онгини маънавий бойитиш, мактаб кутубхонасини ҳар хил бадиий китоблар билан бойитиш мақсадида. Сиёб туманидаги 21-ўрта мактабда «Китоблар кўргазмаси» ўтказилди.

Кўргазмада иштирок этган 500 га яқин ота-оналар ўз фарзандлари таълим олаётган ўқув масканига 840 нусхада турли адабиётларни совға қилдилар.

***М.АҲМЕДОВ***

*1-Тошкент педагогика билим юрти томонидан Пазлиева Дилбар номига 1983 йилда берилган ДТ№ 949446 рақамли диплом йўқолганлиги сабаби* ***бекор қилинади.***

Низомий номидаги ТДПУ маъмурияти ва жамоат ташкилотлари университетнинг Кимё кафедраси доценти, кимё фанлари номзоди **Тоҳир Латипов**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси университет Ислом тарихи ва фалсафаси факультети декани Равшан РАХМАТЖОНОВга синглиси **Раъно ХАЙДАРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

*Subhidam chog'ida xayolga tolib,
Yurtimni xotirjam ko'rgim keladi.
Shu qutlug' kunlarni tonglardan tilab,
Borliqni erkalab sevgim keladi.*

*Lekin qaytar dunyo deganlari rost ekan. Dunyo charxpalagi aylanib kelib, endi amakisining boshi jiyanining oldida egilib turibdi-ku.*



*Ko'ngil bitiklari*

## ТОНГ ТИЛАКЛАРИ

Субҳидам тонгни мен қаршилаб олиб,
Шамоллар ичра гоҳ сузгим келади.
Оппоқ тонг мисоли беғубор бўлиб,
Борлиқни эркалаб севгим келади.
Тонгдаги хаёллар тиниқ бўлармиш,
Орзуга юраклар тўлиқ бўлармиш.
Субҳидам ниятлар қутлуғ келармиш,
Юртингда, уйингда тинчлик бўлармиш.
Субҳидам чоғида хаёлга толиб,
Юртимни хотиржам кўргим келади.
Шу қутлуғ кунларни тонглардан тилаб,
Борлиқни эркалаб севгим келади.

***Дилбар ҲАМРОЕВА,***
***Жондор туманидаги 27-мактаб амалиётчи психологи***

# ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

**(Дам олиш саҳифаси)**

# «ЎҚИБ, ШАҲАР ОЛИБ БЕРАРМИДИНГ?»

*(воқеий ҳикоя)*

Мана, бугун амакиси унинг олдида бош эгиб ўтирибди. Дилфузадан ёрдам сўраб келибди. У амакисига нима деб жавоб беришни билмай ўйланиб қолди. Кечагина эмасмиди, унинг «қиз бола ўқиб нима бўларди, отангга шаҳар олиб берасанми ўқиб, менинг сенга берадиган бир тийиним йўқ» дегани. Ҳа, бир неча ўн йил ўтиб кетган бўлса ҳам бу воқеа Дилфузанинг хаёлида кечагина бўлиб ўтгандай.

Ўшанда Дилфуза физика фанидан вилоят олимпиадасида биринчи ўринни эгаллади. Ўқитувчилари қиздаги физикага бўлган қобилиятни кўриб, отасини мактабга чақиришди ва:

— Қизингиз жуда қобилиятли ўқувчи. Уни энди қишлоқ мактабида эмас, махсус мактабларда ўқитса яхши бўлади, — дейишди.

Карим аканинг ўн нафар фарзанди бор, Дилфуза олтинчи фарзанд эди. Ундан катта беш нафар ака-опасининг барчаси ҳам билим олишга қизиққан эдию, аммо Карим аканинг қўли калталиги боис уларни олий ўқув юртларида ўқитолмаганди. Катта акаси ҳам жуда қобилиятли, математикани сув қилиб «ичиб» юборган бола эди. У олий маълумот ололмагач, катта бир дўкондорнинг ёрдамчиси бўлиб ишга кирди.

Табиийки, Карим ака ўқитувчиларнинг гапидан сўнг ўйланиб қолди. Мана, катта ўғли ўқимади, шунинг учун доимо дадасидан хафа бўлиб юради. «Агар олий маълумотли бўлганимда мен шунақа қилиб юрмасдим, агар сиз бой бўлганингизда ҳаммамизни ўқитардингиз» деб дадасига ҳам аччиқ-аччиқ гапириб юбораверади. Шунинг учун қизини ўқитиш керак, уй-жойни сотиб бўлса ҳам.

Дилфуза билим олишга иштиёқманд, янги-янги нарсаларни кашф қилишни орзу қилиб юрадиган қиз эди. Шунинг учун мактабдан хомуш келган дадасига гап қотди.

— Дада, Қобил амакимнинг пули кўп-ку. Кеча уйларига борганимда келинойим «иккала қизимизга тилла зирак, тилла занжир олиб бердик», деб мақтанган эди. Бир бориб амакимдан пул сўраб кўринг. Балки беришар. Анов қўшнимиз, Тошкентда ўқиган Муҳаббат опанинг айтишича, у ерда пул топиш осон экан. Текстил комбинатигами, чинни заводигами тунги сменага ишга кириб олсам ҳам бўлаверар экан, — деди.

— Майли қизим, мен амакингдан пул сўраб кўраман, — дедию, Карим ака укасиникига жўнади. Бир соатлардан кейин тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб келди:

— Сен қиз, нимага мени алдайсан, амакингда ҳеч қанақа пул йўқ эканку, қизларига ҳам тилла буюмлар олиб бермапти. Гапингга ишониб бориб, жуда изза бўлдим-да. Майли, ўқимай қўя қоласан. Ўқимаганлар ўлиб қоляптими? Бу ёқда икки укангнинг қўлини ҳалоллашимиз керак.

Дадасини хомуш ва иложсиз ҳолда кўрган Дилфузанинг бир кўнгли «майли ўқимасанг ўқима, ота-онанг сени деб қийналишмасин», деса, яна бир кўнгли «агар сен ўқиб, билимли, оқила бир қиз бўлсанг, укаларингни ҳам изингдан эргаштирардинг, ота-онанг кўрмаган роҳат-фароғатга уларни сен мушарраф қилардинг» деб айтарди. У шуларни ўйлади-ю, ҳеч кимга индамай амакисиникига йўл олди.

Борса, амакиси чорпояда чордона қуриб ўтирган экан, жиянини кўрдию:

— Ке-ке, жиян, қанақа шамоллар учирди. Ризқинг роса улуғ экан. Ҳозир келинойинг ош сузади, бир мазза қилиб еймиз, — деди.

— Ассалому алайкум, амаки. Яхшимисиз? Сизнинг олдингизга бир илтимос билан келувдим. Мен Тошкентда, катта ўқишда ўқимоқчиман. Домлаларимиз бугун дадамни мактабга чақиртириб, менинг Тошкентда ўқишим кераклигини айтишди. Бир ҳафта ичида ҳужжатларимни топширмасам кейин кеч бўлар экан. Дадамнинг куни кеча олган маошларини ҳам ишлатиб бўлгандик. Шунинг учун олдингизга пул сўраб келувдим, — деди.

Амакиси бир муддат жим бўлиб қолди-да, кўзларини жиянига қаттиқ тикиб, худди ўшқираётгандек дона-дона қилиб гапирди:

— Қиз бола ўқиб нима бўлади? Уйингда егани нонинг йўғу, яна Тошкентда ўқишни орзулаганингга ўлайми. Менга қара, сен ўқиб акамга шаҳар олиб берармидинг? Акам сени ўқитаман дегунча, бошқа ишларини қилсин. Акангга уй қурсин, кичик акангни уйласин, хўпми. Сенга берадиган бир тийин ҳам пулим йўқ. Бор кимдан топсанг, топавер пулни.

Дилфуза амакисига тик қараб бир нима деёлмаганди, ўшанда. Ерга қараганча пиқиллаб кўчага йўл олганди. У йиғлаганича уйига эмас, энг яқин ўртоғи, синфдоши, адаши Дилфузаларникига кириб борди. Дилфузанинг дадасини қишлоқдагилар бой, ўзига яраша ҳурмат-эътиборга лойиқ инсон деб аташарди. У ўртоғини чақириб кириб борганида, айвонда Маҳмуд тоға чой ичиб ўтирган экан.

Ундан ҳол-аҳвол сўради. Шунда Дилфуза Тошкентда ўқиши кераклигини, аммо дадасининг пули йўқлиги учун Тошкентга кетолмаётганлигини айтди.

Маҳмуд тоға ҳиқ-ҳиқ йиғлаётган Дилфузага:

— Намунча куйиб-пишиб йиғлайсан. Сенга ўзи неча пул керак? Агар сен айтган пул менда бўлса бериб тураман. Дадаңг топганда қайтарар. Домлаларинг ўқиши керак, деган экан, ўқи, олима бўл. Бизнинг қишлоқдан ҳам катта одам чиқсин-да. Айт қанча пул берай, — деди.

Дилфуза қулоқларига ишонмай қолганди. Бегона одам қарзга пул бермоқчими? Худонинг меҳрибончилиги шу-да. Бўлмаса Дилфузаларникига пул учун келмаганди. Амакисидан шикоят қилгани, ўртоғига тўйиб-тўйиб йиғлаб бергани келганди.

— Тошкентга бориш етти сўм экан. Менга йигирма сўм бериб турсангиз, ҳужжатларимни топшириб, ётоқхонадан жой, бирорта иш топгунимча етади. Дадам маош олган куниёқ сизга пулингизни қайтариб берадилар.

— Вой қақажон-е. Кейин қайтариб берамиз де? Ўша пулни қайтармасанг ҳам майли. Лекин бир гапимни икки қулоғинга ҳам куйиб ол. Ҳеч қачон ота-онанг, қишлоқдошларингнинг юзини ерга қаратадиган иш қилма. Ўқи, излан, ўрган. Домлаларинг айтган ҳар бир яхши ишни қил, улар кўрсатган йўллардан юргин. Пулга муҳтож бўлсанг, ўртоғингга хат ёз. Мен ҳам ёрдам бериб тураман. Бировнинг пули бировда қолиб кетмайди. Қачондир берарсан ўша пулларни. Ҳалол, тўғрисўз, меҳнатсевар бўл. Ўз ҳалол меҳнатинг билан ризқ топиб ейишга ҳаракат қил. Мен сенга эллик сўм бераман. Бу пулни тежаб-тергаб ишлатсанг, анчага етади. Кўп йиғлама қизим, — дедию Маҳмуд тоға ёнида ўтирган хотинига гап қотди:

— Тур, уйдан пул олиб чиқ. Мана шу боладан бир бало чиқади. Катта одам бўлади бу. Ўшанда у бизга қарз берадиган бўлади.

Дилфуза пулни олдию, қайта-қайта раҳмат айтиб, кўзларида шашқатор ёш билан уйига кириб келди. Дадасига бўлган воқеаларни оқизмай-томизмай гапириб берди.

Туни билан ота-бола-она ухламасдан куймаланиб чиқишди. Онаси Дилфузага патир ёпиб берди. Сингиллари унинг кийимларини тайёрлашди. Эрта билан ота-бола йўлга чиқишди.

Тошкентга етиб келгач, дадаси уни физика-математика махсус мактаб-интернатига жойлаштирди. Қизига кўп насиҳатлар қилиб жўнаб кетди. У ердаги икки йиллик ўқиш, олий даргоҳдаги беш йиллик талабалик Дилфузани роса тоблади. У ҳар сафар қийналганида дадаси ва Маҳмуд тоғанинг насиҳатларини эслади. Ҳар сафар бирор ёмон ишга йўлиқиб қолса ўртоғининг дадаси берган бешта ўн сўмлик пул кўз олдига келаверди. У ўзи учун, ота-онаси учун, қишлоқдоши Маҳмуд тоға ва яна Қобил амакиси учун яхши бўлишга, илмли бўлишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди.

Амакисининг ўн сўм пулни қизғанганлиги, «ўқиб нима бўлардинг» деган гапи ҳар дақиқада юрагини ханжардек тилимлаб турди.

Бугун кимсан, фалончи бўлганида, бугун Дилфуза Каримовна, деб казо-казо одамлар унга бўйин эгиб турганида у ўтган кунларини эслади. Илм оламан, ота-онамнинг юзини ерга қаратмайман, деб қилган ниятлари ижобат бўлганлигидан худога бениҳоя шукрона келтирди. Бугун унинг ота-онаси қарилик гаштини суриб, қизлари Дилфуза туфайли ҳожи ота, ҳожи она деган мартабага эришиб, қишлоқнинг энг мўътабар кишилари бўлиб юришибди. Акаларининг ҳаммаси уйли-жойли. Укалари ўқиб, олий маълумотли бўлишди. Ҳаммасида машина, ишлаб чиқариш фирмалари. Улар болалигида кўрмаган нарсаларни энди-энди кўришяпти.

Дилфуза Маҳмуд тоғани ҳам унутмаган. Маҳмуд тоға боқий дунёга риҳлат қилгунича ҳар сафар бориб, кўриб, дуосини олиб турди. Яхшиликларига яраша жавоб қайтаролмаган бўлса ҳам, қўлидан келганча ҳиммат кўрсатди.

Бугун унинг ҳузурига бош эгиб амакиси келибди. Кичик ўғлини чет элга ўқишга жўнатиши керак экан. Пул сўраяпти. Дилфузада пул бор. Беради. Ўтган ишга саловат. Амакиси кўнглини оғритган, унинг дилига озор берган бўлса нима қилибди? У ҳам шуни қайтариши керакми? Лекин қайтар дунё деганлари рост экан. Дунё чархпалаги айланиб келиб, энди амакисининг боши жиянининг олдида эгилиб турибди-ку.

У узоқ ўйланиб қолган экан амакисининг:

— Дилфуза, мен ҳам сен ўйлаган нарсаларни ўйладим. Ўшанда хато қилган эканман. Ўшанда сен сўрагандан ҳам кўп пулим бор эди. Акам камбағал бўлса, бу пулни кейин менга қайтариб берадимийўқми, деб ўйлаган эканман мен нодон. Агар пул бергинг келмаётган бўлса бермай қўя қол, лекин сенда пул борлигини биламан. Майли, ўғлим чет элда ўқимай қўя қолади, — деди.

— Йўқ-йўқ, нега ундай дейсиз? Муҳаммаджон ақлли, ҳушли, қобилиятли бола. У ўқиши керак. Унга ҳам кимдир ёрдам бериши керакку. Менга қишлоғимиздаги раҳматли Маҳмуд тоға эллик сўм берувдилар. Сизга қачонга керак шу пул. Пул бераман. Муҳаммаджон топганида, менга ўхшаб катта одам бўлганида қайтариб берар, — деди.

Амакисининг кўзлари ёшга тўлди, Дилфузанинг елкасидан эса тоғ қулаганди.

***Шарифа МАДРАҲИМОВА***

## Xullas...

### БЕШИНЧИСИ БОШҚАЧА

Йошкар-Ола деган шаҳарнинг маданият саройида бўлиб ўтган мусобақа аввалгиларига сира ўхшамас эди. "Мисс Марий эл" номи билан ўтказилган бу танловга йошкар-олалик 17 нафар бир-биридан гўзал қизлар таклиф қилинган эди.

Танлов ташкилотчилари бу галги беллашувни аввалгиларидан бошқачароқ шаклда ўтказмоқчи бўлишди. Бунга кўра, гўзал қизлар от пойгасида қайси отга қанча пул тикилганлигини кўрсатадиган счётчиккача ким ўзарга югуриб етиб келишлари лозим бўлиб, ғолибларга пул ставкалари белгиланди. Финишга биринчи бўлиб, 16 ёшли Оксана Брик етиб келди. У катта миқдордаги пулни қўлга киритди ва у энди "Мисс Россия" танловининг иштирокчиси бўлади. Аммо 17 иштирокчининг орасида марраға биринчи бўлиб етиб келиш осон кечгани йўқ. Бунинг учун иккала қўл ҳам ерда, белгиланган жойга сакраб бориш лозим эди. Бу нақадар кулгили туюлмасин, ғолиблик учун курашда ноўнғайликлар унутилар экан, деб хабар беради Йошкар-Олада чиқадиган маҳаллий газеталардан бири.

### ЙИРТҚИЧЛАР БИЛАН ОЛИШУВ

Муслюмов тумани Қозоннинг дашт ҳудудида жойлашганлиги боис бу ерда бўри галалари кўп учрайди ва улар кутилмаган лаҳзада уй ҳайвонлари билан бир қаторда одамлар жонига ҳам шикаст етказмоқда. Ҳаттоки бир аёл бўрилар дастидан касалхонада жон берди.

Овчилар бетоқат: "Йиртқичларнинг додини бермасак, ҳаддидан ошишяпти!" "Ўрмон санитарлари" ҳам паст кетгилари йўқ. Улар овчилар қўйган қопқонга илинавермасди. Охири овчилар бўриларга ўқ узишга мажбур бўлишди. Шу тариқа ваҳшийларнинг нақ тўққизтаси ер тишлади. Бу ёмон натижа эмас.

Тахминий ҳисобкитобларга қараганда, бўрилар Муслюмовда 70 тадан кўпроқ. Одамларга ҳам ҳужум қилишдан тап тортмайдиган кулранг йиртқичлар турган-битгани офат. Уларсиз одам яшайверади, лекин булар уй ҳайвонларисиз яшай олишармикан?

**ana shunaqa gaplar**


**Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методика Марказида 2003 йилнинг май ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | *Мактабгача таълим муассасаси мудиралари курси* | *1-27 май 24 кунлик* |
| 2. | *Мактабгача таълим муассасаси услубчилари курси* | *1-27 май 24 кунлик* |
| 3. | *Мактабгача таълим муассасаси логопедлари курси* | *1-27 май 24 кунлик* |
| 4. | *Мактабгача таълим муассасаси жисмоний тарбия раҳбарлари курси* | *5-22 май 18 кунлик* |

**ЭСЛАТМАЛАР:**

1. Тингловчилар Марказнинг янги таъмирланган, шинам, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхонасига жойлашадилар. Марказ қошидаги кутубхонадан фойдаланадилар. Машғулотлар Республикадаги таниқли олимлар, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, малакали, етук мутахассислар томонидан олиб борилади. Санъаткорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Ўзбекистон тарихи музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Хотира майдони, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилган ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари лозим.

3. Тингловчиларнинг хизмат сафари ҳаражатлари мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув методика маркази ҳисобидан тўланади.

**Манзил: Тошкент-95 Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй.**

*ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!*

***Ўзбекистон республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Республика ўқув-методика Маркази мавжуд бўш ўринларга мактабгача таълим муассасалари педагоглари учун танлов эълон қилади.***

***Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.***

***Танловда педагогик йўналишдаги мутахассислар, мактабгача таълим назарияси ва методикаси, амалиётни мукаммал биладиган шу соҳа бўйича олий маълумотли, беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган, аввалги иш жойидан ижобий тавсифланган, илмий-тадқиқот, таҳлил ишлари олиб боришга мойил ходимлар, шунингдек, шу соҳада илмий унвонга эга кишилар, олий ўқув юртларида ишлаб тажриба орттирган мутахассислар муайян устунликларга эга бўладилар. Ишга қабул қилинганларга қонунда белгиланган иш шарт-шароитлари ва қулайликлар кафолатланади.***

***Ойлик маош 50 минггача***

**Маълумот учун телефонлар: 46-98-04, 46-07-86.**


## БОШҚОТИРМА



**ЭНИГА:** 1. Киши психикасининг ишдан чиқиши. 5. Орқа мия нервлари илдизчаларининг касаллиги. 10. Доривор ёввойи ўсимлик. 14. Кўз касаллиги. 15. Витамин B12 нинг иккинчи номи. 17. Бирор математик амални кўп марта ишлатиш. 20. Камар, белбоғ. 21. Хонадонларда ғалла сақланадиган жой. 23. Уй қисми. 24. Хушбўй, муаттар ис. 25. Уй жиҳози. 27. Абиранинг ўғли. 28. Европадаги давлат пойтахти. 34. Емирилиш, таназзул. 35. Комидаги шаҳар. 36. Совуқ шамол. 37. Садо, товуш. 38. Қатиқли суюқ овқат. 42. Того пойтахти. 43. Оғирлик ўлчов бирлиги (қадимда). 45. Араб ёзувида қўлланиладиган белги. 46. Муайян бир вақтни ифодалайдиган ибора. 48. Салмоқдор нарсаларнинг оғирлигини ифодалайдиган ибора. 49. Масаллиқ сақланадиган мис идиш. 50. Кимёвий унсур. 51. Паскаль туғилган жой... Ферран. 53. Олти атомли циклик спирт. 55. Қовун, тарвуз бўлаги. 56. Суяк мағзи. 59. Волида. 61. Заирдаги дарё. 62. Мусиқа асбоби. 65. Чипор. 66. Ўзбекистондаги вилоят. 68. Қизлар исми. 70. Кимёвий унсур. 71. Геометрик атама. 72. Ҳаво ютиш; Ортиқча ютилган ҳавони қайтариб чиқариш. 73. Атмосферанинг юқори қатлами. 74. Мусулмон давлатларида ўрта асрларда ишлатилган масса бирлиги. 76. Қурама тизмасининг сув айирғич қисмидаги довон. 79. Христиан дини. 82. Спорт фирмаси. 84. Россия ТВ канали. 85. Қовун тури. 86. Намуна, ибрат. 87. Қадимда солиқ тури. 88. Мусиқа асбоби. 89. Ҳамма вақт, ҳамиша. 90. Маккажўхори унидан тайёрланадиган нон тури. 93. XVII асрда кумуш пулнинг бир мисқоллиги. 94. Тошкентдаги ... Шоший мақбараси. 96. Билим маскани. 98. Сайёралардан бири. 100. Пойтахти Сективкар бўлган республика. 101. Хизматкор, чўри. 103. Дунёнинг етти мўъжизасидан бири бўлган ҳайкал номи. 105. Оғирлик ўлчов бирлиги. 111. Ўсимликлар олами. 112. Франциядаги шаҳар. 113. Соҳибжамол, чиройли. 114. Катта, улкан. 115. Эрондаги шаҳар. 118. Мато тури. 121. Турли-туман, ранг-баранг. 124. Фаришта, санам. 126. Шашка ўйинидаги атама. 127. Бирор иш учун тайин қилинган аниқ вақт бўлаги. 128. Ола чипор от. 129. Юлдуз туркуми. 130. Қизлар исми. 131. Мевали дарахтларни ёшартириш мақсадида кесиш. 134. Опера ва раторияда мўлжалланган лирик пьеса. 135. Усти очиқ томошажой. 136. Спорт тури. 137. Артериал босимнинг пасайиши.

**БЎЙИГА:** 1. Қадимги Рим жойлашган етти тепаликнинг бири. 2. Айёр, маккор. 3. Россиядаги шаҳар. 4. Итларга қўйиладиган лақаб. 6. Тамом, охир. 7. Кучаладошларга мансуб ўсимликлар туркуми. 8. Ука. 9. Аминокислоталар тури. 11. Жозиба, латофат. 12. Тоғ жисмларининг юпқа, текис парчаларга бўлиниши. 13. М.Ё.Чангий томонидан ёзилган ўзбекча-форсча луғат. 15. Мусиқа асарининг якунловчи бўлаги, хотимаси. 16. Дарё. 18. Шимолий Тяньшандаги оқмас кўл. 19. Қашшоқлик, бенаволик. 22. АҚШ штати. 23. Вақт ўлчов бирлиги. 26. Олис, йироқ. 29. Имкон, чора. 30. Ҳайвон ва қушлардаги вирусларга қарши ишлаб чиқадиган ҳимоя оқсили. 31. Қари киши. 32. Заирдаги шаҳар. 33. Ўзаро ён босиш билан битимга келиш. 39. Ахамонийлар давлатини барпо этган Гистаспининг ўғли. 40. Бу нарса.. нодонлик, аҳмоқлик («Қутлуғ қон»). 41. Томонлардан бирининг қадимий атамаси. 44. Камқонлик. 45. Махсус мақсадда фойдаланиладиган алоҳида хона. 47. Шекспир асари. 51. Қашқадарёдаги туман. 52. Илм соҳасидаги олий мукофот. 54. Доривор ўсимлик тури. 55. Кўз гавҳарининг хираланиши. 57. XVI-XVIII асрларда Ғарбий Европадаги ёпиқ ўрта, баъзан олий ўқув юрти. 58. Афти хунук киши. 60. Донли экин етиштирадиган деҳқон. 61. Заирдаги Шаба провинциясининг 1972 йилгача бўлган номи. 63. Хамирдан тайёрланадиган таом тури. 64. Тасвирий санъатда ишлатиладиган рангларнинг ўзаро мутаносиблиги. 67. Латта-путта. 69. Бош кийими. 74. Бадиий асарнинг тузилиши. 75. Байрам олди. 77. «Бухоро жаллодлари» муаллифи. 78. Шимолий Американинг ғарбий қисмидаги орол. 79. Қаҳр-ғазаб, адоват. 80. Аскар, зобит атамаси. 81. Соч (тожикча). 83. Араб мамлакатларида қўлланиладиган оғирлик ўлчови. 91. Тинч, осуда. 92. Кавказдаги миллат. 94. Бир неча поғонага урилиб тушадиган табиий ва сунъий шалола. 95. Саноқ сон. 97. Ҳиндихитой ярим оролидаги давлат. 99. Араб хати турларидан бири. 102. Доғ, чандиқ. 104. Тез, шошилинч. 106. Ҳужайра ҳаёт циклининг кетма-кет икки бўлиниши орасидаги давр. 107. Бандаргоҳ. 108. Бухоро хонлигидаги юқори лавозимлардан бири. 109. Пардоз ашёси. 110. Бадиий образни мусиқа товушлари ёрдамида ифодалаш. 116. Хона. 117. Итальян исломшуноси ... Леоне. 118. Бармоқ (форсча). 119. Тим қоронғу. 120. Рўзғор ашёси. 122. Мулойим, кўнгли бўш. 123. Манзил, макон. 125. Само. 132. Кўрсаткич олмоши. 133. Ҳасса.

***Тузувчи:***
***Рамазон ҚОРАҚУЛОВ***
***Деҳқонобод туман***


Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-293.
Тиражи 27613. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Навбатчи:
Даврон ТОЖИАЛИЕВ.



*«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.*
*Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.*
*Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади*



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00